БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 29 (3257).

11 февраль

ЖУМА

1966 йил

Баҳоси 2 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар XVII партия конференциясида сайланган шаҳар партия комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди.

Ўртоқ **С. Р. Расулов** шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси, ўртоқ **В. С. Скребнев** шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси, ўртоқ **В. А. Архангельский** шаҳар партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайландилар.

Шунингдек **Х. А. Асомов, Ш. С. Аҳмадалиева, Л. И. Бауков, М. М. Муллаев, В. В. Окунский, П. И. Садименко** ўртоқлар шаҳар партия комитетининг бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Н. И. Малихин, П. М. Репин, Э. А. Умаров ўртоқлар шаҳар партия комитети бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Шаҳар партия комитетининг пленумида **А. К. Кравченко** ташкилий бўлим мудири, **А. М. Муҳамедов** агитация ва пропаганда бўлими мудири, **Ғ. П. Пўлатов** фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими мудири, **Н. А. Ғанихўжаев** саноат ва транспорт бўлими мудири, **В. М. Травков** қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири, **Ж. Қ. Қосимов** маъмурий-савдо-молия органлари бўлими мудири қилиб тасдиқландилар.

Тошкент шаҳар партия комитети пленуми ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдуразоқов** иштирок этди.

* * *

Шаҳар партия конференциясида сайланган ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Ўртоқ **В. А. Дарвин** шаҳар партия комитети ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаев Т.
Абдуллаев Ш.
Абросимов И. П.
Азимжонова С. А.
Акимова Т. И.
Акромов А.
Акмалов И.
Ануфриева Н. Г.
Аъзамов А. А.
Асомов Х.
Архангельский В. А.
Аҳмедов Х.
Аҳмадалиева Ш.
Аширов Б.
Болтаева И.
Бауков Л. И.
Белоногов М. Г.
Белова Л. А.
Богомолов Д. И.
Браилов А. В.
Ваҳобов Н. В.
Виноградов В. П.
Галиева К. М.
Ғанихўжаев Н. А.
Дадашев Т.
Дмитришина А. Д.
Дурников В. В.
Жалилов Х. А.
Жўнайдуллаева Х. Р.
Желтиков Ф. Н.
Жилинская Л. Ф.
Зуфаров К. А.
Исломов О. И.
Эшонхўжаева А.
Эргашев Т.
Исломов Ш.
Казаков В. Л.
Қориев М.
Камолов М. К.
Карнаухова М. А.
Карпюк Т. М.
Каспаров А. Л.
Қосимов А.
Қаюмов А.
Клеблеев Н. Ф.
Қосимов Ж.
Кованев Н. П.
Кондратьев Н. В.
Қурбонов М. Х.
Кравченко А. К.
Қурбонов Ғ.
Кутузова О. В.
Кузнецов И. Г.
Лебединская М. С.
Мавлонқориев А. Р.
Мазор А. Б.
Мухторов А.
Мазитов Ф. Х.
Малихин Н. И.
Маришев Т.Ф.
Мирдадаев К.
Маҳмудова Н. М.
Медведева И. И.
Мирский А. У.
Муллаев М.
Муҳамедов А.
Мушкарев В. Г.
Маҳсумова Н.
Назиров З.
Назирова В.
Норқўзиев С. Б.
Новицкий О. В.
Новаченко Н. С.
Никифоренко Г. И.
Обидхонова С.
Ортиқхўжаев М. Х.
Отабекова С.
Окунский В. В.
Опасов Г. М.
Павлий Н. П.
Пивкина А. М.
Пикман Л. Я.
Писаревский Л. О.
Подкопов П. И.
Полушина В. Е.
Прасолов М. Ф.
Пронин Ф. Н.
Потуремский Ф. Г.
Пўлатов Ғ. П.
Пучинина В. М.
Расулев С. Р.
Раҳмонов Х.
Раҳматхўжаева С. А.
Репин П. М.
Романовская В. И.
Расулев Т. Т.
Рубанов М. Д.
Рудюк С. И.
Рушковский О. А.
Содиқов Т.
Садименко П. И.
Садовникова Н. Е.
Сайдалиев М. С.
Саидова С.
Соқиев О.
Саркисов Г. М.
Свистунов С. А.
Сивец В. Н.
Сигов С. А.
Скребнов В. С.
Соколова А. А.
Солодков И. Я.
Степанов А. П.
Сутягина А. А.
Толипова К.
Тантиева И.
Тошматов А.
Тошмуҳамедова Х. Г.
Терновенко Н. А.
Травков В. М.
Узюмская М. В.
Умаров М. И.
Уразбоев М. Т.
Уразаев Ш. З.
Умаров Э. А.
Фадеев М. Г.
Файзиев С. Д.
Филатов А. С.
Финкельштейн Г. С.
Ҳожинова М.
Ҳамидов М.
Ҳалилов Б. Ғ.
Ҳасанбоев Ш. Р.
Ҳонхўжаева Н.
Хлинин В. Г.
Ҳўжаев В.
Шобурхонов Ж.
Шатуновский Б. М.
Шчербаков А. И.
Юсупхўжаев Р.
Якушев А. В.
Ёқубжонова Х. Ё.
Ёрматов К.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР

Азизова В. И.
Акбарова Я.
Бекульбекова Л. Ш.
Булкин И. М.
Ғуломов Х.
Дробишев В. Ф.
Динин М. Л.
Захарина Н. Г.
Иброҳимов А.
Игошина М. Ю.
Карапетов Р. А.
Кириенко Е. П.
Морозова В. Г.
Муковнина Н. С.
Муҳаметов А. Ф.
Ниёзова Х.
Оҳангарова Д. М.
Орипов Т. А.
Пискорская Н. П.
Прокопов Б. Н.
Рафиков Г. В.
Раҳматуллаев А. Г.
Стешенко Г. П.
Сазонова К. Н.
Соколов И. И.
Файзиев Ш.
Холиқов М. Х.
Ҳамидов Х.
Худковский А. Б.
Чесноков В. П.
Чаусов П. П.
Шораҳмедов Ж. А.
Шохбозов Д.
Йўлдошева А.
Яблочкин Г. Б.

ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ

Абдуллаева А.
Бегельман П. Б.
Дарвин В. А.
Золотих В. И.
Иноятов Н. Ш.
Мартиненко П. М.
Мирхошимов С. М.
Мирзааҳмедов М. М.
Муинов А.
Норхўжаев Т. А.
Носиров Х.
Нурмуҳамедов А.
Нуринбоев Ғ.
Нурмуҳамедов А.
Подковирев А. Т.
Подгорнов Н. А.
Раҳмонбердиев Б. Т.
Умаров А. Х.
Фастишков М. Ф.
Филипская З. П.
Хабибуллина З. А.
Хлебушкина А. П.
Юханова В. А.



КОНВЕЙЕРДА — КЕНГ ҚАТОРЛИ СЕЯЛКА

8 февралда «Ўзбексельмаш» заводининг бош конвейеридан СЧХ-4А маркали дастлабки сеялкалар чиқа бошлади. Бу сеялкалар қатор оралари 90 сантиметр бўлган майдонларда чигит экиш учун мўлжалланган.

Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга киришган коллектив қисқа муддат ичида зарур анжомлар ва мосламаларни тайёрлади. Бош конвейер реконструкция қилинди. Кенг қаторлаб зич уяли қилиб экадиган сеялка илгари ишлаб чиқарилган тор қаторли сеялкага ўхшаш бўлганлиги сабабли (бу иккала машинадаги деталларнинг ярмиси бир хил) уни ўзлаштириш осон бўлди. Ҳозир завод конструкторлари ва технологлари пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи билан биргаликда бир группа деталларни металл ўрнига пластмассадан тайёрлашга ўтиш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар.

Завод коллективи мамлакат пахтакорларининг кенг қаторли сеялка тайёрлаб бериш тўғрисидаги бутун заказини — бу машиналарнинг қўклам экиш кампаниясида қатнашувини кўзда тутиб, КПСС XXIII съезди шарафига бошланган вахта мобайнида бажаришга қарор берди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар Академияси ҳузурида яна бир янги илмий-текшириш институти иш бошлади. Кибернетика деб номланган бу институт ҳисоблаш маркази базасида ташкил этилди. Суратда: институт илмий ходими Н. Абдуллаева ҳисоблаш машинаси пульти ёнида.

В. Сироткин фотоси.

КПСС XXIII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Воскресенск, Лисичанск, Новомосковск, Винница химия комбинатлари, Чирчиқ электрохимия комбинати, Березники калий комбинати ва Уфа химия заводи меҳнаткашларининг коллективлари КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Ана шу корхоналарнинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб турган цехлар ва установкаларнинг техника иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, минерал ўғитлар ва бошқа химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Улар бу тадбирларни ўз корхоналарининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ишлаб турган машина-ускуналарни интенсивлаштириш, эскириб қолган машина ва аппаратларни янги машина ва аппаратлар билан алмаштириш ҳисобига бажаришга сўз бердилар.

Корхоналарнинг коллективлари йиллик планларни муддатидан олдин бажаришга, белгиланган топшириқлардан ташқари мамлакатга кўп миқдорда минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, капролактам ва бошқа маҳсулотлар топширишга сўз бердилар.

Шу корхоналарнинг коллективлари барча химия заводларининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига, химия машинасозлиги корхоналарининг қурувчилари, монтажчилари ва ходимларига мурожаат қилиб, уларни химиявий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун, унинг сифатини яхшилаш, қувватлардан самаралироқ фойдаланиш, янги цех ва ишлаб чиқаришларни муддатидан олдин ишга солиш ва ўзлаштириш, химия саноати корхоналарини мукаммал технологик ускуналар билан таъминлаш учун КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашишга чақирдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТАШҚИ ИШЛАР КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСИ

9 февралда Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси депутат Б. Н. Пономарёв очди. Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси М. А. Суслов ҳозир бўлди.

Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан сўзга чиқди.

Ташқи ишлар комиссиялари дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида 1966 йил 15 январда Улан-Баторда имзоланган шартномани ратификация қилишни СССР Олий Совети Президиумига якдиллик билан тавсия этдилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҚИММАТЛИ ЁРДАМИ

Вьетнам Демократик Республикасининг Бош министри Фам Ван Донг СССР билан ВДР делегациялари ўртасида музокаралар муваффақиятли тугалланганлиги ҳамда икки мамлакат ўртасида битимлар имзоланганлиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигинга телеграмма юборди.

Имзоланган битимлар, дейилади телеграммада, америкалик агрессорларнинг ҳужумини тўла даф этиш учун Вьетнам Демократик Республикасининг мудофаа қобилияти ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда Совет Иттифоқи томонидан берилаётган қимматли ёрдамдир.

Фам Ван Донг Вьетнам халқининг ўз ватанини қутқариш учун, америка империалистларига қарши олиб бораётган адолатли ва зафарли курашида Совет Иттифоқи коммунистик партияси билан совет халқи пролетар интернационализми руҳида мадад ва ёрдам кўрсатаётганликлари учун Вьетнам Меҳнаткашлар Партияси Марказий Комитети, ВДР ҳукумати ва вьетнам халқи номидан самимий миннатдорчилик билдирди. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Афғонистон Бош министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал рафиқаси билан ва Совет Иттифоқи бўйлаб сафарда унга ҳамроҳлик қилган кишилар 10 февраль эрталаб ватанига жўнаб кетдилар. Афғонистон, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэродромида фахрий коровул саф тортиб турди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Р. Қурбонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. М. Мусахонов, Республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон министрлари, журналистлар ҳурматли меҳмонни узатиб қолиш учун бу ерга келдилар.

Совет Иттифоқи бўйлаб сафарда Афғонистон ҳукумати бошлиғига ҳамроҳлик қилган кишилар — СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Ефремов, СССР ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Д. А. Жуков, СССР ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ бўлимининг мудири С. П. Киктев ва бошқа расмий кишилар аэродромда ҳозир бўлдилар. Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Муҳаммад Ориф ўз ҳукумати бошлиғини узатиб қўйиш учун бу ерга келди.

Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал жанобларо ўзини узатгани чиққан кишилар билан самимий хайрлашади. Ҳаво лайнери «ИЛ-18» осмонга кўтарилади ва қобул томон йўл олади. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини ошириш системасини янада яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР қишлоқ хўжалик министрлигига, иттифоқдош республикалар компартияларининг марказий комитетларига ва министрлар советларига колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрларини тайёрлаш бир йиллик мактабларини, колхоз ва совхоз раҳбарларининг малакасини ошириш курсларини ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини ошириш курсларини 78 та қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларининг колхоз ва совхоз раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш факультетлари қилиб қайта ташкил қилиш вазифасини юклади.

Мазкур факультетларда колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрларини тайёрлайдиган муддати 6 ойлик бўлимлар ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрлари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини оширадиган, ўқиш муддати уч ойгача бўлган бўлимлар бўлиши зарур, деб топилди.

Воронеж, Куйбишев, Новосибирск ва Харьковдаги қурилиш инженерлари институтларида ўқиш муддати 3 ойгача бўлган қишлоқ қурилиши мутахассислари малакасини оширадиган доимий факультетлар ташкил қилинади.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш факультетларининг, шунингдек қишлоқ қурилиш мутахассислари малакасини ошириш факультетларининг асосий вазифаси фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибани ўрганиш асосида тингловчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси, химиялаштириш, мелиорация, механизациялаш, экономика ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қишлоқ қурилишини ташкил қилиш соҳасидаги билимларини ошира боришдан иборатдир.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрларини тайёрлаш бўлимларига ёши 45 дан ошмаган, асосан олий қишлоқ хўжалик маълумотига эга бўлган кишилар қабул қилинади, улар колхоз раисларининг ва совхоз директорларининг ўринбосарлари, бўлим бошқарувчилари, ферма мудирлари, ишлаб чиқариш бригадаларининг бошлиқлари, колхозларда, совхозларда, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларида ишловчи яхши ташкилотчилик қобилиятига ҳамда қишлоқ хўжалигида амалий иш тажрибасига эга бўлган ва ўқишни тамомлагандан кейин колхоз ва совхозларда раҳбарлик ишларида фойдаланиш мумкин бўладиган қишлоқ хўжалик мутахассислари орасидан танлаб олинади.

Колхоз ва совхоз раҳбар кадрларининг ҳамда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини ошириш бўлимларида ва қишлоқ қурилиш мутахассисларининг малакасини ошириш факультетларида колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, колхозлар, совхозлардаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари ва бошқа қишлоқ хўжалик органларидаги қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоқ хўжалик ўқув юртлари, қишлоқ профессионал-техника билим юртларининг мутахассислари, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасининг ҳамда СССР Министрлар Совети «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмасининг корхоналари ва ташкилотларида ишловчи қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоқ қурилишини амалга оширувчи қурилиш ташкилотларининг мутахассислари, асосан олий маълумотли кишилар ўз малакаларини оширадилар. Кўрсатиб ўтилган ходимларнинг малакаси қоидага кўра, ҳар 5 йил ишлагандан кейин ошириб турилади.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбар кадрлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш факультетларига ҳамда қишлоқ қурилиш мутахассисларининг малакасини ошириш факультетларига тингловчиларни танлаш ва юбориш иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликлари, ўлка ва область қишлоқ хўжалик бошқармалари, иттифоқдош республикаларнинг мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари ва қурилиш министрликлари, «Сельхозтехника» бирлашмалари, профессионал-техника таълимига раҳбарлик қилувчи органлар ҳамда колхозлараро қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхоз ва совхоз раҳбар кадрлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш факультетларининг ҳамда қишлоқ қурилиши мутахассислари малакасини ошириш факультетларининг тингловчиларини моддий жиҳатдан таъминлаш КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1961 йил 18 августда қабул қилган 771-қарорининг 6-моддасида колхоз ва совхоз раҳбар кадрлари малакасини ошириш курсларининг тингловчилари учун кўзда тутилган шартлар асосида амалга оширилади, деб белгиладилар.

Иттифоқдош республикалар компартияларининг марказий комитетларига ва министрлар советларига қишлоқ хўжалик техникумлари, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба ва машина синаш станциялари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳузуридаги қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш курсларини қишлоқ хўжалик кадрлари малакасини ошириш мактаблари қилиб қайта ташкил қилиш топширилди.

Бу мактабларда ўрта маълумотли ходимларнинг: агрономлар, зоотехниклар, ветеринария фельдшерлари, механиклар, қурувчи-техниклар, гидротехниклар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларининг, колхоз ва совхозлардаги бўлим бошқарувчиларининг, ишлаб чиқариш бригадалари бошлиқлари ва чорвачилик фермалари мудирларининг, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасига ҳамда СССР Министрлар Совети «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг, иттифоқдош республикалар қурилиш министрликларининг қишлоқ қурилиши билан шуғулланувчи ташкилотлар ва колхозлараро қурилиш ташкилотлари ходимларининг малакаси оширилади.

Қишлоқ хўжалик кадрлари малакасини ошириш мактабларида ўқиш муддати қишлоқ хўжалик мутахассислари ва қишлоқ қурилиши мутахассислари учун 2 ойгача, колхоз ва совхозларнинг бўлим бошқарувчилари, ишлаб чиқариш бригадаларининг бошлиқлари ва чорвачилик фермаларининг мудирлари учун 3 ойгача қилиб белгиланди.

Қишлоқ хўжалик кадрлари малакасини ошириш мактабларининг тармоқлари ва тингловчилар контингенти иттифоқдош республикаларнинг министрлар советлари томонидан СССР қишлоқ хўжалик министрлиги билан келишиб белгиланади.

Қишлоқ хўжалик кадрлари малакасини ошириш мактаблари тингловчиларининг иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланади, деб белгиланди.

Колхозларга мазкур мактабларда ўқувчи колхозчилар учун ўртача ойлик меҳнат ҳақини сақлаб қолиш тавсия этилди.

Бундан ташқари, мактабларнинг тингловчиларига қўшимча равишда ойига 40 сўм миқдорида давлат стипендияси тўланади.

Қишлоқ хўжалик кадрлари малакасини ошириш мактабларига раҳбарлик қилиш иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область советларининг ижроия комитетларига, ўқув-методик раҳбарлик қилиш эса СССР қишлоқ хўжалик министрлигига топширилди.

Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик кадрлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш бир йиллик сиртқи экономика факультетларининг тингловчиларига биринчи сессия, имтиҳон ва зачётлар даврида 30 календарь куни миқдорида, иш жойидаги иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда қўшимча отпуска берилади.

Колхозларга мазкур факультетларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийдиган колхозчилар учун биринчи сессия, зачёт ва имтиҳонлар даврида отпуска беришнинг ҳудди шундай тартибини жорий қилиш тавсия этилсин.

СССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети кўрсатиб ўтилган қишлоқ хўжалик кадрлари малакасини ошириш факультетлари ва мактаблари учун ўқув планлари, программалар ва қўлланмалар нашр қилишни ташкил қилишлари керак.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

9 февралда Тошкент шаҳар XVII партия конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **С. Р. Расулов** ҳисобот доклади қилди.

— XVI шаҳар партия конференциясидан буён икки йилдан ортиқ вақт ўтди, — дейди докладчи, — ана шу давр ичида партия ва халқимиз ҳаётида жуда кўп ажойиб воқеалар бўлиб ўтди. Совет халқи партия XXII съезди қарорлари, КПСС Программасини ҳаётга татбиқ қилиш, коммунистик жамият қуриш йўлида фидокорлик билан меҳнат қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленуми ва навбатдаги Пленумлари партия ва мамлакатимиз ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу Пленумлар партиямизнинг ленинча бош йўли нақадар мустаҳкамлигини кўрсатди, сиёсий ва амалий вазифаларни ҳал қилишга субъектив муносабатда бўлиш ленинча раҳбарлик принципларига ёт эканлигини кўрсатди. Партия ва халқнинг кучини коммунистик қурилишнинг муҳим ҳаётий масалаларини ҳал қилишга қаратди.

Бизнинг конференция муҳим воқеалар — КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVII съездига тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўтмоқда. Ҳар бир съезд партия тарихида муҳим босқич бўлади. КПССнинг XXIII съезди халқимизнинг коммунизм қуриш учун кураш йўлида янги даврни бошлаб беради.

Биз шунингдек шонли тарихий саналарга — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва жонажон партиямиз ҳамда Совет давлатининг асосчиси В. И. Лениннинг туғилганига 100 йил тўладиган кунга яқинлашмоқдамиз. Бу шонли воқеалар партия ва совет халқини коммунизм қурилиши йўлида янги ғалабаларга руҳлантиради.

Республикамиз меҳнаткашлари коммунизм қураётган совет кишиларининг дўстона оиласида кейинги йилларда катта йўлни босиб ўтдилар. Саноат бўйича етти йиллик план топшириғи муддатидан илгари бажарилди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баравар ўсди. 450 саноат корхонаси ва йирик цехлар ишга тушди. Республикамиз пахтакорлари ўтган йили мамлакатга 3 миллион 900 минг тонна пахта етказиб бердилар. Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари ҳам мўл ҳосил учун курашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Шаҳар партия ташкилоти Сирдарё ва Тошкент областлари колхоз ва совхозларига оталик ёрдами беришни кучайтиришни бундан буён ҳам ўзларининг бурчлари деб биладилар.

Шаҳар партия ташкилотининг асосий вазифаси деди докладчи, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш учун кураш, экономикани тез суръатлар билан ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришининг эффективлигини, меҳнат унумдорлигини тинмай ошира бориш, халқ хўжалиги планларини муддатидан илгари бажаришни таъминлашдан иборат бўлди.

Бу соҳада маълум ютуқлар қўлга киритилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича етти йиллик план муддатидан илгари ўтган йилнинг 23 октябрида бажарилди. Халқ хўжалигига пландан ташқари 200 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Машинасозлик ва электротехника саноати тез суръатлар билан ривожланди. Ана шу тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 2,8 баравар кўпайди. Саноат корхоналари 1965 йил планини муддатидан илгари бажардилар. Ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш 1964 йилдагига қараганда 9 процентдан зиёд кўпайди. Халқ хўжалигига пландан ташқари 27 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Транспорт ва алоқани ривожлантириш соҳасида ҳам анчагина ишлар қилинди.

Кейинги икки йил ичида шаҳарда кўп меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича 750 дан ортиқ тадбир ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштиришга қаратилган 1600 дан ортиқ ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди.

«Пахтакор» деб аталувчи тўрт қаторли ажойиб ва икки қаторли осма пахта териш машиналари, тўкилган пахтани терувчи унумли подборкачи, улкан йигирув машиналари, электр кўприк кранлари ва бошқа жуда кўп асбоб-ускуналар Тошкентда ҳаётга йўлланма олди.

Рационализатор ва ихтирочилар техника прогресси масалаларини ечишда салмоқли роль ўйнамоқдалар. Бундай тиниб-тинчимаслар армияси составида ҳозир 11 мингга яқин киши бор. Икки йил давомида 21 мингта таклиф жорий қилинди. Натижада 22 миллион сўмлидан кўпроқ шартли-йиллик фойда кўрилмоқда. Ўнлаб жамоатчи конструкторлик ва технологик бюролар, иқтисодий анализ бюролари ва кенгашлари, шу жумладан шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида ташкил этилган иқтисодий анализ кенгашлари ўз фаолиятларини тобора активлаштирмоқдалар.

Ҳисобот даври мобайнида шаҳар меҳнаткашларининг хўжалик қурилишида қўлга киритган ютуқлари ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ғайрат-шижоатга тўла меҳнати, бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетларининг жуда кенг кўламда олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий иши натижасидир.

Жумладан, Ленин, Октябрь район партия комитетлари хўжалик ишларига партия раҳбарлиги стил ва методларини такомиллаштириш юзасидан жуда кўп иш қилдилар. бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини, коммунистларнинг ижодий активлигини, уларнинг ишлаб чиқариш планларининг бажарилишидаги масъулиятини оширдилар. Қолоқ участкаларни малакали, ўз ишини пухта биладиган ишлаб чиқариш командирлари билан мустаҳкамладилар. Бошқа район партия комитетлари ҳам анчагина қимматли тажриба тўплашди. Район партия комитетларида саноат бўлимларининг ташкил этилиши бунда ижобий роль ўйнади.

Шу билан бирга, таъкидлади докладчи, агар ишимизга КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми талаблари нуқтаи-назаридан қарасак, катта камчиликлар борлиги маълум бўлади.

Ўтган йили 12 та корхонанинг давлат планини бажармаганлиги худди шундан далолат беради. Шаҳар экономикасини орқага сураётган бундай корхоналар орасида резина-техника, 6-темир-бетон буюмлари заводи, гўшт комбинати, «Ўртоқ» кондитер ва макарон фабрикалари бор. 11 корхона меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планни бажаришни таъминламади, 38 корхона эса товар маҳсулоти таннархини ошириб юборди.

Бу корхоналарнинг партия ташкилотлари ишлаб чиқариш масалалари билан муттасил шуғулланмайдилар, сусткашлик қиладилар, маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан ёмон назорат олиб борадилар.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми таъкидлаганидек, капитал маблағлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан олинадиган фойдани кўпайтириб бориш саноатимизнинг энг асосий резервларидан бири ҳисобланади. Ўртоқ Расулов бу масалани чуқур анализ қилди. Қатор корхоналарнинг бу соҳадаги кўрсаткичлари чакки эмаслигини айтди. Завод ва фабрикаларда экономика ишининг сустлиги сабабларини очиб ташлади. Бу корхоналарда янги қувватлар ўз вақтида тўла ўзлаштирилмайди, асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланилмайди, моддий ва меҳнат ресурслари ортиқча сарфлаб юборилади.

Вазифа шундан иборатки, ҳар бир корхонада хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари, асбоб-ускуналардан иложи борича тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларини иш билан тўла таъминлаш проблемалари билан чуқур ва ҳартомонлама шуғулланишлари керак.

Саноатни бошқаришда иқтисодий методлар ролининг оширилиши, корхоналар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши хўжалик ва техник раҳбар ходимлардан чуқур иқтисодий билимлар эгаси бўлишни, ишлаб чиқаришни қатъий илмий асосда бошқаришни талаб этади. Шундай шароитларда кадрларни ишлаб чиқаришга илмий раҳбарлик қилишга ўргатиш, уларнинг иқтисодий билимларини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Яқинда шаҳар партия комитети завод ва фабрикаларда ишлаб чиқаришнинг рентабеллилигини ва фойда беришини кўпайтириш билан қандай шуғулланилаётганлигини текширди. Текшириш натижасида шу нарса маълум бўлдики, айрим корхоналарда бу масалаларга лозим даражада эътибор берилмаяпти. Талон-торож, ортиқча харажатлар ва бракка қарши ҳали ҳам етарли кураш олиб борилмаяпти. Ўтган икки йил давомида фақатгина бракнинг ўзидан 5 миллион сўмликдан ортиқ зарар кўрилди. 1965 йилда фойдасиз, ортиқча харажатлар 2 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш саноатнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Бу фақатгина хўжалик масаласи бўлиб қолмай, барча меҳнаткашларнинг манфаатларига таалуқли масаладир. Ҳисобот даврида буюмларнинг сифатини яхшилаш, чидамлилигини ва ишлаш муддатини ошириш юзасидан маълум ишлар қилинди. Тошкент маркаси тобора кенг шуҳрат қозонмоқда. Москвалик ва ленинградликлар ташаббуси асосида корхоналар коллективлари энг яхши жаҳон стандартлари даражасида саноат буюмлари ишлаб чиқариш учун мусобақани авж олдирдилар. Лекин биз ҳали тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ва техника даражасини кескин яхшилашга эришганимиз йўқ. Масалан, «Узбексельмаш» заводида тайёрланган 1780 та кўрак чувиш агрегатининг 690 тасида дефект борлиги аниқланди. Рўзғор холодильниклари, «Узбекхлопкомаш» заводлари ва бошқа корхоналар ҳам тайёрлаётган маҳсулот сифати кўнгилдагидек эмас, улар кўплаб рекламация олмоқдалар.

Докладда транспорт ва алоқа корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иқтисодий воситаларидан фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ бирнеча янги министрликлар ва бошқармалар ташкил этилди. Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари бу министрликлар ва бошқармаларда тажрибали партия ходими раҳбар бўлган партия ташкилотларининг тузилиши учун зарур чоралар кўрдилар. Министрликлар ва бошқармалар партия ташкилотларининг диққат-эътибори ҳар бир коммунист ролини ва шахсий масъулиятини ошириш, аппаратнинг аниқ ва оператив ишлашини таъминлашга қаратилмоғи зарур. Бу партия ташкилотларининг фаолияти шаҳар ва район партия комитетлари диққат марказида бўлиши лозим.

Беш йилликнинг биринчи йилида шаҳар саноати олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйилган. Машинасозлар йил давомида 20 минг трактор, 8 минг пахта териш машинаси, 7 минг пахта подборкачиси, 6600 та пахта сеялкаси, 1600 га яқин тўқимачилик машиналари, 1150 та экскаватор, 850 та компрессор станциялари, 1000 та электрик кўприк кранлари ишлаб чиқаришни таъминлашлари керак.

Енгил саноат корхоналари 226 миллион метр ип газламаси, 15 миллион донага яқин трикотаж буюмлари, 7 миллион жуфт пойафзал, жуда кўп тикувчилик буюмлари ва бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадилар. Шу йилнинг биринчи квартал планини муддатидан илгари 25 мартгача бажариш Тошкент меҳнаткашларининг шарафли бурчлари бўлмоғи лозим. Бу партия XXIII съездига муносиб совға бўлади.

Давлат планлари ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг ҳартомонлама яхшиланишига, социалистик мусобақанинг авж олдирилишига, хўжалик қурилишига раҳбарлик формалари ва усулларининг такомиллашишига боғлиқдир. Партия ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этишга янгича ёндошишлари лозим. бунга ишнинг иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришнинг эффективлиги, рентабеллилиги, корхона бераётган фойда, меҳнат унумдорлиги, янги техникани жорий қилиш, маҳсулот сифатининг яхшиланишига алоҳида эътибор беришлари керак.

Шаҳар партия комитети, — дейди ўртоқ Расулов, — капитал қурилишга раҳбарлик қилишни ўз фаолиятининг энг муҳим участкаларидан бири деб ҳисоблайди. Сўнгги йилларда капитал қурилиш ҳажми анча кенгайди. Агар етти йилликнинг дастлабки йилида у 85 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили 190 миллион сўмга яқинни ташкил этди. 300 минг квадрат метрдан ортиқроқ ишлаб чиқариш майдонлари фойдаланишга топширилди. Деярлик ҳар бир завод ва фабрика реконструкция қилинди, янги цехларга эга бўлди.

Кенг ҳажмда уй-жой қурилиши амалга оширилди. Тошкентликлар етти йил давомида 2 миллион квадрат метрга яқин, шу жумладан ўтган йили 367 минг квадрат метр уй-жой майдони олдилар. Ўтган йили турар-жой қуриш йиллик плани ортиғи билан адо этилди. 100 минг ўринли мактаблар бинолари қурилди, 28 минг ўрни бўлган болалар боғча ва яслилари, қатор маданий-маиший корхоналар қад кўтарди.

Бинокорларимиз мамлакатимизда улкан панорама кинотеатри, марказий универмаг, савдо маркази, халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильони, Ленин кўчасида ер ости йўли, Карл Маркс кўчасида темир йўл линияси остидан ўтадиган йўл каби йирик объектларни қуриб, шаҳар қурилиши йилномасида янги саҳифа очдилар.

Етти йиллик давомида шаҳарда йиғма темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи ва замонавий техника билан ускуналанган қудратли база яратилди.

Аммо қурилишга партия раҳбарлиги савияси, қурилишлар партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг фаолияти давримиз талабларига тўла жавоб бермаяпти. Кўплаб капитал маблағлар ўзлаштирилмай қолади. Узбексельмаш», «Ташсельмаш», экскаватор заводлари ва бошқа корхоналарда қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмади. Асосий фондларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмаяпти.

Кўпгина ихтисослашган бинокорлик ташкилотлари, қурилиш индустрияси, бинокорлик материаллари саноати корхоналари давлат топшириқларини бажаришнинг уддасидан чиқмаётир.

Бунинг сабаблари жуда кўп, шу жумладан объектив сабаблари ҳам бор. Лекин энг асосий камчилик шундан иборатки, шаҳардаги қатор қурилишларда иш маданияти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси жуда паст. Моддий-техника ва ишчи куч ресурсларидан унумли фойдаланилмаяпти.

Қурилиш сифати ҳамон муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Шаҳар ва район партия комитетлари капитал қурилишига мунтазам эътибор беришлари лозим. Капитал маблағларнинг эффективлигини ҳартомонлама ошириш, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари ишини кескин яхшилаш зарур.

Шаҳар ва район партия комитетлари лойиҳалаш ташкилотларига эътиборни кучайтиришлари, уларнинг ишига чуқур кириб боришлари, бундай ташкилотларни малакали кадрлар ва мутахассислар билан мустаҳкамлашда амалий ёрдам беришлари, шаҳардаги лойиҳалаш ташкилотлари янгилик ва прогрессив технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг жонкуярлари бўлишлари лозим.

Қурилиш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Янги беш йиллик давомида шаҳар хўжалигини ривожлантиришга ўтган беш йилликдагига қараганда 3,2 баравар кўп, шу жумладан уй-жой қурилишига 3,5 баравар кўп капитал маблағ сарфлаш назарда тутилади. 2,5 миллион квадрат метр уй-жой майдони, кўплаб мактаб, болалар боғча ва яслилари, кинотеатрлар, шифохоналар ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати сўнгги йилларда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган қатор амалий тадбирларни амалга оширдилар. Саноат ва қурилиш ишчи ҳамда хизматчилари, педагоглар, аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларда ишлаётган врачлар, савдо ва бошқа хўжалик тармоқлари ходимларининг маошининг оширилиши ана шу ғамхўрликнинг ёрқин тимсолидир.

Меҳнаткашларга маиший, коммунал, савдо ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш шаҳар партия ташкилотининг диққат марказида бўлди. Бу ишда шаҳар партия комитети меҳнаткашлар маиший турмушини яхшилашнинг конкрет тадбирлари кўрсатилган Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII пленуми қарорига амал қилди.

Сўнгги икки йил ичида 90 минг тошкентлик янги квартираларга кўчиб ўтдилар, шунингдек, уй-жой шароитини яхшиладилар. Болалар боғча ва яслиларида ўринлар сони 10 мингдан кўпроққа ортди, шифохона ва туғруқхоналарда эса 1500 ўрин кўпайди. Маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди. У сўнгги икки йилда ҳар бир жон бошига 47 процент ортди. Савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари кенгайди.

Шу билан бирга коммунал-маиший ва савдо хизмати даражаси меҳнаткашларнинг кун сайин ошиб бораётган талабларига тўла жавоб бермаяпти.

Бинокорлар икки йилда 30 минг квадрат метр уй-жой майдонини кам қуришди. Меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатиш ҳамон қониқарсиз аҳволда. Канализациқ тармоқларини кенгайтиришга ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмаяпти.

Докладчи бинокорлик ташкилотлари ва маҳаллий Советлар ижроия комитетлари аҳолига маиший ва коммунал хизмат кўрсатувчи объектлар қурилишига етарли эътибор бермаётганлигини таъкидлади. Шаҳарнинг санитария ҳолатини анча яхшилаш керак. Шаҳар ва район ижроия комитетлари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари аҳолини шаҳарни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш ишига суст жалб қилмоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети меҳнаткашлар маиший турмуши даражасини оширишга катта эътибор бериб, яқинда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари ҳақида қарор қабул қилдилар. Ана шу қарорнинг тўла бажарилишини таъминлаш учун барча чораларни кўриш лозим.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари аҳоли фаровонлигини ошириш, уларга коммунал-маиший, савдо ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзларининг биринчи даражали вазифалари деб ҳисоблашлари керак. Ана шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлардан оқилона ва тўла фойдаланиш, белгиланган план ва тадбирларни тўла ва зиёдаси билан амалга оширишга барча ички резервларни сафарбар этиш зарур.

Докладда идеология иши масалаларига катта ўрин берилди. Чунки хўжалик ва маданий қурилиш муваффақиятлари кўп жиҳатдан идеология ишининг савиясига боғлик.

Ҳисобот даври мобайнида шаҳар партия ташкилоти идеология ишининг энг асосий йўналишларига катта эътибор берди. Оммага идеологик таъсир кўрсатишнинг янги формалари, янги совет байрамлари, одат ва анъаналари вужудга келди. Раҳбар кадрлар ғоявий-сиёсий ишга актив жалб қилинди. Бошланғич партия ташкилотларининг роли ҳар томонлама оширилди.

Ҳаммага маълумки, сиёсий маориф, партия ўқуви идеология ишининг ҳал қилувчи участкаси ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида сиёсий маорифнинг ғоявий-сиёсий савияси ошди.

Бу ўқув йилида КПСС Марказий Комитети тавсиялари асосида партия ўқуви системаси қайта ташкил этилди. Ҳозир 54 минг 700 киши партия маорифи системасида сиёсий ва ғоявий билимини оширмоқда. 60 мингдан ортиқ киши пропаганданинг оммавий формаларига жалб қилинган. Эндиликда марксизм-ленинизмнинг уч ажралмас қисмини ўрганишга алоҳида эътибор бермоқда.

Раҳбар кадрларнинг сиёсий ўқувини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси университети бу ўқувнинг марказий звеноси бўлди. Университетнинг 12 та факультетида бир ярим мингга яқин киши назарий билимини ва малакасини оширди. Бундан ташқари шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида ўқувнинг жуда кўп бошқа формалари — семинарлар, раҳбар кадрлар учун мактаблар ва курслар ташкил этилди. Мастерлар ўқувига катта эътибор берилди.

Раҳбар кадрларнинг ўқуви асосан кечки марксизм-ленинизм университетида марказлаштирилган. Унинг факультетларида ҳозирги пайтда мингдан ортиқ партия, совет ва хўжалик ходимлари қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларига биноан кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга асосий эътибор берилмоқда.

Пропагандистларнинг иши ҳам хилма-хил форма ва методлар асосида олиб борилаяпти. Уларга ёрдам бериш учун саноат корхоналарига олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлари бўйича ўқитувчилар биркитиб қўйилган. Шаҳар назарий методик конференцияси ўтказилди, шунингдек шаҳар партия комитети ва район партия комитети ҳузурида пропагандистларнинг традицион дам олиш кечалари ўтказилди. Хурмат китоби таъсис этилди, бу китобга ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистларнинг сиёсий ўқувини энг яхши ташкил қилганлардан 300 дан ортиқ кишининг номи ёзиб қўйилган.

Докладчи ана шу сингари ютуқларни қайд қилиш билан бирга сиёсий маориф ўқувини ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасида жиддий камчиликлар борлигини ҳам айтиб ўтди.

Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари тарихий, партиявий ва фалсафий проблемалар, сиёсий иқтисоднинг назарий масалаларини ўрганишга эътиборни бирмунча сусайтириб юбордилар. Кўпгина партия ташкилотлари тингловчиларнинг сонини кўпайтиришга ҳаракат қилиб, кўпинча ўтказиладиган машғулотларнинг савияси ва тингловчиларнинг истакларини унутиб қўйдилар. Баъзибир партия ташкилотларида сиёсий мактаб ва семинар машғулотлари юқори савияда ўтказиб турилмайди. Айниқса марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганувчилар билан ишлаш ёмон ташкил этилган.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ана шу камчиликни тугатиш учун зарур чораларни кўришлари ва партия ўқувини янада такомиллаштириш, машғулотларнинг ғоявий ва ташкилий савиясини кўтариш, пропагандистлар ишини яхшилашни таъминлаш юзасидан зарур ишларни олиб боришлари керак.

Шунингдек сиёсий-оммавий ишларнинг йўлга қўйилишида ҳам муҳим камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда. Бу айниқса лекция пропагандасига тааллуқлидир.

Сиёсий-оммавий ишларни, айниқса маҳаллаларда олиб бориладиган ишларни бундан буён янада яхшилаш учун зарур чораларни кўриш керак. Бунинг учун халқ университетлари тармоғини кенгайтириш, доимий лекторийлар ва агитпунктларга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш мақсадларида энг муҳим воситалар, жумладан адабиёт ва санъатдан кенг фойдаланиш керак. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг маданият ходимлари қардош республикаларнинг маданият ходимлари билан алоқаларини анча мустаҳкамладилар. Тошкентда рус ва украин адабиёти ва санъати декадаси, МХАТ коллективининг гастроллари, «Тошкент баҳори», «Олтин водий тароналари» фестиваллари ва бошқа маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, кино ва театр ходимларининг ижодий ташаббусини бундан буён ҳам активлаштириш, уларнинг ғайрати ва талантини юксак ғоявий ва бадиий санъат асарларини яратишга қаратиш лозим. Бу асарлар коммунизм қурувчиларининг жасоратини тараннум қилувчи, совет кишиларини она-Ватанга, партия ва халқ ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозим. Шунингдек ижодий интеллигенциямизнинг саноат корхоналари, муассасалар, олий ўқув юртлари коллективлари билан ижодий ҳамкорлигини ҳар тарафлама мустаҳкамлаб бориш зарур.

Шаҳар партия ташкилоти меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашга катта аҳамият берди. СССР халқлари дўстлиги хафталиги тошкентликларнинг қалбида ўчмас из қолдирди, маълумки, бу ҳафталик 1964 йилда Москва, Ленинград ва иттифоқчи республикалар марказларидан келган делегациялар иштирокида ўтказилган эди. Ҳафталикка оид кўпгина ҳужжатлар Москвадаги СССР Революция музейига қўйилди.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» ва кўптиражли газеталар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Лекин шу билан бирга улар коллективларнинг ҳаётини чуқур ўрганиб ёритишга эътиборни кучайтиришлари, янгиликнинг актив пропагандистлари бўлишлари шаҳар партия ташкилотига унинг олдида турган вазифаларни бажаришда янада актив ёрдам беришлари керак.

Шаҳар партия комитети ҳисобот даврида маданий-оқартув муассасалари диққат-эътиборини янгича иш усулларини кўпроқ қидириб топиш ва кенг қўллашга қаратди. «Паспортларни тантанали суратда топшириш», «Комсомол тўйлари», «Янги уйга кўчиб кириш маросимлари», «Маҳалла кунлари», «Иттифоқчи республикалар маркази кунлари» ва бошқа шу сингари байрамлар, кечаларни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Бу сингари тадбирлар маданий-оқартув муассасаларнинг иш фаолиятидан кун сайин мустаҳкам ўрин олмоқда.

Шаҳар кинофикацияси ходимлари аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш соҳасида кўпгина ишларни қилдилар. Лекин шу билан бирга улар кўпинча бизнинг дидимизга бутунлай ёт бўлган кинофильмларнинг кўрсатилишига ҳам йўл қўймоқдалар.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифаси меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ишларнинг савиясини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишни ғоявий таъминлаш, эскилик сарқитларига қарши кескин кураш олиб боришдан иборатдир.

Шундан сўнг докладчи шаҳар мактаблари ишига тўхталди. Маълумки, ўқув-тарбия ишлари бир-бирига узвий боғланган. Бу соҳадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун мактаб, ота-оналар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Ўтган йили сентябрь ойида бўлиб ўтган болаларни оилада ва жамоатчилик йўли билан тарбиялаш масаласига бағишланган биринчи шаҳар съезди ана шу ишорни илгари сурди. Съезд ишида 3 мингдан ортиқ киши қатнашган эди. Съезднинг таклифига мувофиқ оила ва мактабларга бола тарбияси соҳасида кўмаклашувчи шаҳар, район советлари ташкил этилди. Ҳаммаси бўлиб саноат корхоналари, муассасалар, маҳаллалар, ЖЭКлар ва уй бошқармаларида 800 га яқин совет ташкил этилди.

Бироқ бу ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилади. Умумий таълим қонунини бажариш, шунингдек мактабларда ўқув-тарбия ишлари соҳасида ва педагогик кадрлар иши соҳасида йўл қўйилаётган жиддий камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди.

Бу йил мактабларни бир йўла 10 ва 11-синф ўқувчиларидан 13 мингдан ортиқ йигит ва қиз битиради. Улардан 7—8 мингтасини ишга жойлаштириш лозим. Бу вазифани бажаришга юксак партиявий масъулиятни ҳис қилган ҳолда муносабатда бўлиш, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ана шу масала юзасидан яқинда эълон қилинган қарорини оғишмай амалга ошириш учун зарур чораларни кўриш керак.

Тошкент — йирик олий ва ўрта махсус ўқув юртлари маркази. Шаҳарда жуда кўп илмий муассасалар бор. Ҳисобот даврида партия ташкилотларининг диққат-эътибори халқ хўжалигига юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, илмий-текширув муассасаларининг фаолиятини яхшилашга қаратилди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорига мувофиқ олий ва ўрта ўқув юртлари коллективлари ўзларининг ўқув планларини студентларга иқтисодий билимлар беришни анча кучайтиришга қаратиб қайтадан кўриб чиқдилар. Политехника, тўқимачилик институтларида иқтисодий факультетлар ва бўлимлар очилмоқда.

Олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари катта иш олиб бормоқдалар. Улар студентларни коммунистик руҳда тарбиялашда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шаҳар партия комитети ҳузурида ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг доимий семинари ишлаб турибди. Семинар составида тўртта фан бўйича секция бор. Уларни Тошкент Давлат университетининг таянч кафедралари бошқаради.

Бироқ олий ўқув юртлари ва техникумларнинг партия ташкилотлари ва коллективлари ҳали ҳам ўқув-методик ва тарбия ишларини яхшилашда мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланмаяптилар. Кўпгина олий ўқув юртларида марксизм-ленинизм фанини ўқитишдаги жиддий камчиликлар ҳали ҳам давом этиб келмоқда.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Студентлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларда кўпинча расмиятчилик ва шаблонга йўл қўйилади. Бу ишларда профессорлар, ўқитувчилар кам иштирок этадилар. Партия ташкилотлари эса бу сингари камчиликларни кўрабилатуриб, бепарволик билан муносабатда бўладилар.

Олий ўқув юртларида ўқув-тарбия ишларини ҳар жиҳатдан яхшилаш ўқув юртлари, бошланғич партия ташкилотлари коллективларининг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон пойтахтининг олимлари совет ва дунё фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган проблемаларни тадқиқ қилишда актив иштирок этдилар.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари илмий-текшириш муассасаларида илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг йўлга қўйилиши билан чуқурроқ шуғуллана бошладилар.

Лекин шу билан бирга тан олиш керакки, кўпгина илмий муассасалар ҳали ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаган. Уларда амалга оширалаётган тадқиқотлар кам фойда бермоқда. Шунингдек, илмий кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳам камчиликлар кўп.

Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни яхшилашда анчагина иш қилдилар. Ҳозирги шаҳар партия ташкилоти составида 60 мингдан ортиқ коммунист бор ва уларни 1 минг 322 бошланғич партия ташкилоти бирлаштиради. Фақат кейинги икки йилнинг ўзидагина шаҳарда коммунистларнинг сони 6 минг 286 киши кўпайди. Район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари партияга қабул қилишдек муҳим ишга талабчанликни кучайтирдилар. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, КПСС Марказий Комитетининг қарорида айтилган Харьков области партия ташкилотининг коммунистлар сафини ўстириш ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишида йўл қўйилган камчиликлар бизнинг шаҳар партия ташкилотига ҳам тааллуқлидир.

Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ўзларининг иш методлари ва услубларини такомиллаштира бориб, бошланғич партия ташкилотлари билан алоқани янада мустаҳкамладилар, мажлислар ва кенгашлар ва қабул қилинадиган қарорларнинг сони анча камайтирилди.

Ҳаммамизга маълумки, ташкилотчилик ишининг асосини кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ташкил этади. Шаҳар партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлигида ғоявий жиҳатдан чиниққан, юксак билимга эга бўлган кўпгина ишчан ва ғайратли кадрларни тарбиялаб етиштирди. Бу кадрлар омманинг ҳақиқий етакчилари сифатида коммунистик қурилиш масалаларининг муваффақиятли ҳал қилинишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бироқ кадрларни танлаш ва уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш соҳасида ҳали-ҳам шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда. Баъзан кадрлар билан ишлашда партиявий принцип бузилмоқда. Ана шу сингари камчиликлардан ҳоли бўлиш учун ҳар бир партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг кўламда ривожлантиришга шароит вужудга келтириш керак.

Кадрлар билан ишлаш соҳасидаги энг асосий метод бу ишонтириш ва амалий ёрдам бериш, кадрларнинг ўсишига ёрдам бериш, уларнинг билимини оширишга эришиш, ҳамма ходимларни топширилган иш учун юксак жавобгарлик ҳисси руҳида тарбиялаш — бу партия ташкилотларининг энг асосий ташкилотчилик ишларидан ҳисобланади.

Партиявий раҳбарликда партия сиёсати, қарорлари ва кўрсатмаларчнинг ҳаётга татбиқ қилинишини, топшириқнинг қандай бажарилаётганлигини контроль қилиб бориш энг муҳим ленинча ҳислатдир.

Афсуски, дейди докладчи, партия органлари, шу жумладан, шаҳар партия комитети ҳам ижрони текширишга ҳали етарли эътибор бермаяпти. Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари томонидан озмунча қарорлар қабул қилинмайди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётга оператив ва ўз вақтида татбиқ этилмайди.

Шаҳар партия комитети ва район партия комитетларининг ҳисобот давридаги энг асосий ишларидан бири бошланғич партия ташкилотларининг ролини тинмай ошира бориш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Бу масала шаҳар партия комитетининг 7 пленуми, район партия комитетларининг пленумлари, коммунистларнинг йиғилишларида муҳокама қилинди. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг ва умуман партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятларини оширишга ёрдам берди.

Ўтган йили 436 та партия ташкилотининг шаҳар партия комитети, XVI шаҳар партия конференцияси қарорларининг қандай бажарилиши юзасидан ҳисоботи эшитилди. Бу эса бошланғич партия ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлашга, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишда уларнинг ролини оширишга ёрдам берди.

Бироқ ҳамма партия ташкилотлари ҳам коллектив ўртасидаги ўзларининг етакчилик ролларини яхши бажармоқдалар, деб айтиб бўлмайди. Машинасозлик технологияси давлат конструкторлик бюроси, 2-темир-бетон буюмлари заводи, резина-техника буюмлари заводларининг партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар ўз партия ташкилотларини корхона фаолиятини яхшилашда актив катнашмаганлиги учун танқид қилдилар.

Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари ўз ташкилотчилик фаолиятларини такомиллаштириш учун бундан буён ҳам тинмай иш олиб боришлари, кадрлар билан ишлашни яхшилашлари, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, партия ички демократиясига қатъий риоя қилинишига эришишлари керак.

Хўжалик, маданий қурилиш соҳасидаги қўлга киритилган ютуқларни советлар, комсомол, касаба союзлари, халқ контроли органлари, шунингдек бошқа жамоат ташкилотларининг ёрдамисиз тасаввур қилиш мумкин эмас, албатта. Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари ана шуни ҳисобга олиб, олдимизда турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилинишида ана шу ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш юзасидан зарур тадбирларни кўрдилар.

Касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия комитетларининг раҳбарлигида актив ишлай бошладилар. Улар социалистик мусобақани ҳар тарафлама ривожлантириш, меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бироқ касаба союзлари ва, айниқса, комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилишда ҳали камчиликлар кўп. Шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари комсомолга раҳбарликни тинмай яхшилаб бориш учун барча чораларни кўрсинлар. Комсомол ташкилотларини комсомол тарбиялаб етиштирган, ёшлар билан ишлашни яхши кўрадиган энг яхши кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур. Комсомол раҳбарларини бўлар-бўлмасга ўзгартираверишдек ярамас одатга чек қўйиш лозим.

Физкультура ва спорт ёшларни ва бутун меҳнакашларни чиниқтиришнинг энг муҳим воситасидир. Шундай экан, ҳамма жойда спорт коллективларини вужудга келтиришга эътиборни кучайтириш зарур.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари халқ контроли органларининг иши билан доимо шуғулланиб борсинлар. Уларнинг ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш лозим. Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида қайд қилиб ўтилганидек, халқ контроли органларининг ташкил қилиниши партия комитетларининг партия ва давлат директиваларининг бажарилишини контроль қилиб боришдаги жавобгарлигини сира сусайтирмаслиги керак.

Партия, хўжалик, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, ҳар бир коллектив ва барча шаҳар меҳнаткашларининг асосий вазифаси ўтган йилнинг натижаларини яна бир бор чуқур таҳлил қилиб, амалий хулосалар чиқариб олиш, йўл қўйилган камчиликларнинг қайтарилмаслик чораларини кўриш, мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш учун курашни кучайтиришдан иборат.

Ҳеч шубҳа йўқки, дейди докладчи сўзининг охирида., Тошкент шаҳар партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида иш олиб бориб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездига ғоявий ва ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланган ҳолда боради, Тошкент меҳнаткашларининг куч ва ғайратини коммунистик қурилишда янги муваффақиятларни қўлга киритишга сафарбар этади.

(Давоми учинчи бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Боши иккинчи бетда)

Ҳисобот доклади юзасидан музокараларда биринчи бўлиб Ленин район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **В. В. Окунский** гапирди. У сўнгги йилларда райондаги барча корхоналарда янги қувватлар ишга туширилганлиги ҳақида гапирди. Райондаги икки корхона—«Қизил тонг» фирмаси ва 3-автокомбинат планлаштиришнинг янги системаси асосида ишлашга ўтди. «Қизил тонг» фирмаси эндиликда савдо ташкилотлари билан бевосита алоқа қилмоқда.

Район экономикасини юксалтириш билан бирга меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш, маданий-маиший, болалар, муассасалари, савдо тармоқлари қурилишига ҳам эътибор кучайтирилди.

Ўртоқ Окунский коммунистларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида тўхтади. Кўпгина корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари партия маорифи системасининг турли звеноларини бошқармоқдалар. Олий ўқув юртлари, мактаблар, корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари ёш авлодни тарбиялашга эътибор берадиган бўлиб қолдилар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори ўртоқ **О. Содиқов** сўзга чиқади.

—Бизнинг партия комитетимиз ва жамоатчи ташкилотларимиз,— дейди у, — ёшларнинг онгига таъсир қилишнинг барча формаларидан кенг фойдаланмоқда. Студентларда илғор дунёқарашнинг шаклланишида ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнайди. Университетда экономистлар, тарихчилар, илмий коммунизм ва философия асосларидан дарс берувчи ўқитувчиларни тайёрлайдиган махсус бўлим ташкил этиш масаласи ҳал қилинди.

«Ташсельмаш» заводининг старший мастери ўртоқ **А. Қосимов** машинасозларнинг ажойиб ишлари ҳақида батафсил гапириб берди. Корхона коллективи ўтган йили мамлакатимиз пахтакорларига 7749 та пахта териш машинаси етказиб берди. Ҳозирги вақтда партия XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун мусобақа авж олмоқда. Мен ишлаётган пресслаш-тайёрлаш цехи коллективи бу мусобақада пешқадамлик қилмоқда. В. Мартинов, А. Стреляева, И. Шарипов ўртоқлар раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадалари ишда, юриш-туришда ҳаммага ўрнак бўлишмоқда. Ҳозир биз Новочеркасск электровозсозлари методи асосида ишлаб чиқаришни оператив планлаштиришни жорий қиляпмиз. Сўнгра нотиқ завод атрофида бирорта ҳам маданий муассаса йўқлигини айтади. У машинасозларнинг маданият уйини қуришни таклиф этди.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Т. И. Акимова** КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумидан сўнг партия ташкилотлари ҳаётида бўлган ўзгаришлар ҳақида гапирди. Район корхоналарида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш юзасидан ишлар тобора кенгаймоқда. Тўқимачилик комбинати, 2-тикувчилик фабрикаси савдо ташкилотлари билан бевосита алоқа қилишга ўтдилар. Маҳсулот сифати бу корхоналар коллективлари фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолди. Районда айниқса ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш жонланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Х. Асомов** нутқи маҳаллий Советларга партия раҳбарлигини яхшилаш, Тошкентнинг келажакдаги тараққиётига бағишланди. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари фаолиятининг усул ва мазмуни бир қатор ўзгарди. Эндиликда улар омма билан алоқани мустаҳкамлашга, жамоатчилик асосларини жорий қилиш, ҳар бир депутатни жамоат ишларига жалб қилишга катта эътибор бермоқдалар. Шаҳар хўжалигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалалар тез ҳал қилинадиган бўлиб қолди. Шаҳар ва унинг марказида кўпқаватли бинолар қурилиши бошлаб юборилди. Аммо қурилишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ажратилган капитал маблағлар ўз вақтида ўзлаштирилмайди. Қатор объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаяпти. Қурилиш ишлари сифати ҳам ҳали паст. Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар жуда кам қурилмоқда. Эндиликда бунга чек қўйиш керак. Республика Госплани шу масалада бизга ёрдам бермоғи лозим.

Ўтган икки йил давомида шаҳарни янада ободонлаштириш, унинг санитария ҳолатини яхшилаш йўлида анчагина ишлар қилинди. Ленин, Чилонзор, Октябрь район ижроия комитетларининг бу соҳадаги тажрибаларини оммалаштириш керак. Улар ободонлаштириш ҳамда кўча ва ҳовлиларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ишига корхоналар, ўқув юртлари коллективларини, маҳаллалар аҳолисини жалб қилдилар.

Ўзбекистон пойтахти Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигигача янги архитектура ансамбллари билан янада гўзаллашади. Шаҳар меҳнаткашларига 25 мингдан ортиқ квартира қуриб берилади, 28 минг ўринли янги мактаблар ва 11 минг ўринга эга бўлган болалар боғча ва яслилари қад кўтаради. Маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар қурилиши бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилади, транспорт ва алоқа хизмати яхшиланади.

Конференция қатнашчилари Туркистон Ҳарбий Округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ **А. В. Дебалюкининг** нутқини зўр қизиқиш билан тингладилар. У ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор берди.

Шундан сўнг мандат комиссиясининг раиси ўртоқ **Ф. Б. Ориповнинг** доклади тингланди.

Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув фабрикаси партия бюросининг секретари ўртоқ **Ф. Н. Тўйчибоева** минбарга чиқади.

Нотиқ фабрика участкаларида ташкил этилган партия группаларининг иш тажрибаси ҳақида батафсил гапириб берди. Бошланғич партия ташкилоти партия группалари ёрдамида омма билан алоқани мустаҳкамламоқда, ишлаб чиқаришга, коллективнинг кўп тармоқли ҳаётига яхши таъсир кўрсатмоқда. 28 та партия группасининг тузилиши фабрикадаги барча коммунистлар, ҳамма ишчилар оммасини партия ҳаёти билан қамраб олиш имконини берди. Абдураҳмонов, Колтакова, Репин, Исроилова ўртоқлар раҳбарлигидаги партия группалари мусобақани ташкил этиш, ёшларни тарбиялаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида дурустгина ишлар қилмоқда. Партия бюроси ҳузурида доимий семинар ишлаб турибди. Семинар машғулотларида партия группалари ўзаро тажриба алмашадилар, партия қурилиши масалаларини ўрганадилар.

«Главташкентстрой» бошлиғи ўртоқ **П. М. Репин** қурилиш ва ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ўтган йили планни бажарганликлари, уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани эса орттириб адо этилганлиги ҳақида гапиради. Янги мактаблар, болалар боғча ва яслилари, магазинлар қад кўтарди. Пушкин ва Шота Руставели кўчаларида очилган магазинлар замонавий савдо корхоналарининг намунаси ҳисобланади. Кўп профилли шифохонанинг биринчи навбати, аэропортда меҳмонхона қурилиши тугалланди. Қатор маданий-маиший ва жамоат объектлари ишга туширилди. Қурилиш сифати бирмунча яхшиланди.

Лекин қурилиш сифатини яхшилаш, суръатини оширишга ёрдам берадиган барча ички резервлар ҳали тўла фойдаланилмаяпти. Қурилиш ташкилотлари кўп холларда объектларни фойдаланишга топшириш давлат планини бажаришнинг уддасидан чиқмаяптилар.

Янги беш йилликда жуда катта ҳажмда уй-жой, маданий-маиший муассасалар ва саноат объектлари қурилиши амалга оширилади. Агар бу йил 370 минг квадрат метр уй-жой майдонини қуриш планлаштирилган бўлса, 1970 йилда у 700 минг квадрат метрни ташкил этиши керак. Пушкин кўчаси яқин уч йил ичида тўла реконструкция қилиниши ва бу ерда бир қанча кўпқаватли уйлар қад кўтариши лозим. Бу ишларни қисқа муддатда тугаллаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлиши керак эди. Ваҳоланки бундай ҳужжатлар ҳали йўқ. Оқибатда белгиланган ишларни тез ва соз амалга ошириш мумкин бўлмай қолади. Сўнгра нотиқ лойиҳалаш ташкилотлари ва заказчиларнинг қурилишга муносабатларидаги қатор камчиликларни кўрсатиб ўтди.

— Ташкилий ва идеологик ишларни бирга қўшиб олиб бораётганлигимиз сиёсий ва хўжалик ишларини муваффақиятли ҳал қилишимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **О. Соқиев.** Райондаги барча саноат корхоналари етти йиллик план топшириқларини ўтган йил ноябрь ойидаёқ бажариб қўйдилар, 1965 йил плани ҳам 25 декабрда адо этилди. Планга қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қурилиш соҳасидаги ишлар айниқса муваффақиятли бормоқда. Сўнгги уч йил мобайнида Чилонзорда ярим миллион квадрат метрдан ортиқ турар-жой, 14 та мактаб, 28 та болалар муассасалари, 5 та медицина муассасаси, ўнлаб савдо ва маиший корхоналар фойдаланишга топширилди.

Бироқ Чилонзорда маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бинолар қурилиши турар-жой бинолари қурилиши ривожидан орқада қолмоқда. Кейинги йиллар мобайнида массивда фақатгина битта кинотеатр қурилди, холос. Районимизда бирорта кутубхона йўқлиги ачинарли ҳолдир. Массивда магазин, кафе ва ошхоналар қуришни жадаллаштириш керак.

Тошкент медицина институти партия комитетининг секретари ўртоқ **Р. А. Капкаев** институт коммунистларининг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги ишлари ва улар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Институт раҳбарлари ва партия ташкилоти ўқитиш ишларини яхшилашга қаратилган бирмунча ташкилий тадбирларни кўрдилар. Партия комитети вақти-вақти билан педагогларнинг ишларини анализ қилиб ўз мажлисларида муҳокама этиб туради.

Ўқитиш ишларини яхшилаш педагогларнинг маҳоратига боғлиқ бўлиши билан бирга лабораторияларнинг жиҳозланганлиги, кафедраларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Аммо институтда бу соҳада жиддий камчиликлар мавжуд. Бу йил қабул қилинган студентларнинг кўпчилиги республиканинг турли областларидан келганлигини ҳисобга олган ҳолда 2 та ётоқхона қуриш учун маблағ ажратилган эди. Лекин «Ташгипрогор»даги ўртоқлар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришни ҳамон орқага судрамоқдалар. Биз «Ташгипрогор» коллективи институтимизни оталиққа олишини истар эдик.

Ўртоқ Капкаев республикамизга шифокорлар етказиб бераётган Тошкент медицина институти коммунистларининг партия ташкилоти атрофига маҳкам жипслашган ҳолда кадрлар тайёрлаш ишини янада яхшилашларини таъкидлади.

— Ёш авлодга билим бериш ва уларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш биз ўқитувчилар армиясига топшириб қўйилган, — дейди Октябрь районидаги 165-мактаб директори ўртоқ **Х. Аминова,** — буни яхши тушунган партия ташкилотимиз ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш устида тинмай иш олиб боришмоқда.

Районда илғор тажрибалар мактаби, жойларда методик бирлашмалар ташкил этилганлиги ўқитувчи кадрларнинг малакасини оширишда катта роль ўйнамоқда. Яқиндагина бўлиб ўтган бошланғич синфларда иккинчи йилга қолиш ҳолларини йўқотиш проблемаларига бағишланган район илмий-назарий конференцияси материаллари катта аҳамиятга моликдир.

Шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Э. Умаров** пойтахт ёшларининг яқинлашиб келаётган партия XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақалари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Экскаватор заводи комсомол ёшлари иқтисод қилинган материаллар ҳисобига, ишдан бўш вақтларида қўшимча экскаватор ишлаб чиқардилар. Тўқимачилик комбинати ёшлари эса планга қўшимча равишда 300 минг метр газлама тўқишга қарор қилдилар.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-терғаб фойдаланиш ишларида комсомол-ёшлар партия ва хўжалик ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ёш ишчиларнинг техника-профессионал билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга. «Таштекстильмаш», «Ташкенткабель» ва 1-пойафзал фабрикаси комсомол ташкилотлари ёш ишчиларнинг техника билимларини пухта эгаллашлари учун турли тўгараклар ташкил этганлар. Биргина тўқимачилик комбинатининг ўзида 2166 киши ўз малакасини оширмоқда.

Ўртоқ Умаров Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашни янада яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб ўтди. Биз, деди у, партия ташкилотларининг бевосита ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайлигина ишларимизни пухта олиб борамиз. Нотиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг умумтаълим мактабларини битириб чиққан ўқувчиларни ўқитиш ва ишга ўрнатиш ҳақида чиқарган қарори партиямизнинг ёшларга қилаётган ғамхўрлигининг ифодаси деди.

Музокарада сўзга чиққан бошқа ўртоқлар КПССнинг XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлигини қайд қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ **В. Г. Ломоносов** нутқ сўзлади.

Конференция шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади юзасидан қарор қабул қилди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов,** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси **Ё. С. Насриддинова,** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари **М. М. Мусахонов,** Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Н. М. Матчонов,** КПСС Марказий Комитетининг инспектори **В. И. Харазов,** Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиуми аъзоси **И. И. Федюнинский,** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси **С. К. Зиёдуллаев,** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари **А. С. Абдалин,** Туркистон Ҳарбий округи қўмондони **Н. Г. Ляшченко,** Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. А. Абдураззоқов,** область партия комитетининг иккинчи секретари **А. С. Пономарёв,** область ижроия комитетининг раиси **Э. Т. Шайхов,** Ўзбекистон КП Марказий Комитети партиявий ташкилий ишлар бўлими мудири **Г. М. Орлов,** Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг инспектори **Қ. Ғ. Ғуломова,** область партия комитетининг секретарлари **К. Н. Бекаев, П. В. Костриков, Х. Р. Мусахонова** ва бошқа ўртоқлар иштирок этдилар.

АҲОЛИГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Суратда: шаҳар ободонлаштириш бошқармаси активининг қатнашчилари декаратив боғдорчилик совхози коллективи томонидан ташкил этилган гуллар виставкасини томоша қилишмоқда.

А. Абалян фотоси.

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

Горький номли театрнинг кенг залига пойтахтимизни ободонлаштириш, уни янада кўркам қилиш иши билан шуғулланаётган кишилар йиғилишган. Бу ерда ободонлаштириш бошқармаси ходимлари активининг йиғилиши бўлаяпти. Мазкур бошқарма бошлиғи Ш. Исломов йиғилишда доклад қилиб пойтахтимизнинг яқин келажакдаги гўзал қиёфаси, уни янада обод қилиш юзасидан қилинган ишлар ва режалар тўғрисида сўзлаб берди.

Ҳозирги кунда Тошкент қиёфасининг йилдан-йилга ўзгариб, унинг территориясида янги кенг кўчалар, хиёбон ва боғлар пайдо бўлаётганлиги шаҳримизга келаётган меҳмонларни ҳам, унда яшаётган кишиларни ҳам дилини хушнуд этмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина пойтахтимизда йирик инженерлик иншоотлари қад кўтарди, Навоий, Муқимий, Хмельницкий кўчаларида ва бошқа жойларда қурилиш ишларининг бутун бир комплекси тугалланди. 117 та кўча ремонт қилиниб, умумий майдони 75 гектар жойга дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. 15 та янги хиёбон бунёд этиш ҳамда ободонлаштириш объектларини капитал ремонт қилиш ишларига жами 10 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Актив йиғилишида коммунал-хўжалик ходимларининг ўтган йиллардаги ишлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида батафсил гапирилди. Бунда асосий эътибор амалий ишдаги мавжуд камчиликлар, шаҳарда ободонлаштиришнинг ҳал қилинмаган катта масалаларига қаратилди. Қурилиш бошқармаси бошлиғи Баратов, шаҳар бош агрономи Наруцкая, йўл эксплуатация трестининг бошқарувчиси Зисман, Октябрь район коммунал-хўжалик бўлими мудири Файзиев, декоратив боғдорчилик совхози бўлимининг бошқарувчиси Илёсов ва бошқа ўртоқларнинг нутқларида ана шу ҳақда қатор мулоҳазалар ва таклифлар қилинди.

Шаҳар ирригация хўжалиги иши аввалгидек қониқарсиз аҳволда эканлиги йиғилиш қатнашчилари томонидан алоҳида қайд қилинди. Магистрал каналларнинг ёмон ишлаётганлиги натижасида шаҳар бир секундда нормадаги 18 кубометр ўрнига 11—12 кубометр сув олмоқда. Тақсимловчи суғориш тармоғининг иши бундан ҳам ёмон аҳволга тушиб қолган, Яшил кўчатларни суғориш учун сув етишмайди. Баъзи корхона, муассаса ва қурилиш ташкилотлари кўчадаги ариқларни бузиб юбормоқдалар. Мовжудлари вақти-вақти билан тозаланиб турилмайди. Табиийки, бундай ҳол шаҳар тозалигига катта зиён етказади, дарахтларнинг қуриб қолишига, кўчаларнинг сув босиб кетишига олиб келади. Ҳамма иллат шундаки, ободонлаштиришнинг ана шу муҳим тармоғи ўзининг ягона бошқармасига эга эмас. Бундан ташқари анча вақтдан бери лойиҳаси тузилаётган шаҳар ирригациясининг тресті тезроқ ташкил қилиниши лозим.

Шаҳарни мавсумий ва бир неча йилга мўлжаллаб кўкаламзорлаштириш соҳасидаги ишнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисида ҳам йиғилишда аччиқ гаплар айтилди.

Ободонлаштириш бошқармаси системасидаги планлаштиришнинг ёмон йўлга қўйилганлиги натижасида қурувчилар айни мавсум пайтида техника машиналари ва асбоб-ускуналари тўхтаб қолиши оқибатида юз минг сўмдан ортиқ маблағ исроф бўлди. Бошқарманинг Баъзи корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш сингари қудратли омилдан тўла фойдаланилмаётир. Ремонт-қурилиш бошқармаси техника билан етарли даражада жиҳозланмаганлиги туфайли механизмлар билан барча тупроқ ишларининг ярмидан сал кўпроғи бажарилди, холос. Ҳанузгача белкурак ва чўкич ирригаторлар, ёритиш тармоғи қурувчиларининг асосий иш қуроли бўлиб қолмоқда. Бошқарма системасидаги қурилиш ва ремонт ишларининг сифатини ҳам яхши деб бўлмайди. Бунда хавфсизлик техникаси қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти, новаторлик тажрибалари, оммалаштирилмаяпти.

Актив йиғилишида ободонлаштирувчиларнинг корхона ва муассасалар коллективлари билан, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Йиғилиш охирида шаҳар ижроия комитети вакилларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Тошкент республика шаҳарлари ўртасида ободонлаштириш учун бошланган мусобақада ўтган йилнинг тўртинчи кварталида энг яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун ана шундай юксак тақдирланди. Чилонзор райони иккинчи мукофот олди. Октябрь райони ободонлаштирувчиларининг иши ҳам яхши баҳоланди.

Йиғилиш қатнашчилари 1966 йили ва Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига шаҳарни ободонлаштириш бўйича янги социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Шунингдек коммунал хўжалигининг ходимлари ва пойтахтимизнинг барча аҳолисига қарата мурожаат қабул қилинди.

ОЛИМ ПРОПАГАНДИСТЛАР

«Билим» жамиятининг шаҳар ташкилотида республика Фанлар Академиясининг районлараро ташкилоти тузилди. Академиянинг бош илмий секретари, техника фанлари доктори М. З. Ҳомидхонов ташкилот правлениесининг раиси қилиб, тарих фанлари доктори Р. Аминова, фалсафа фанлари доктори Қ. Хонаров, геология-минералогия фанлари доктори И. Хамробоев ва бошқа таниқли фан арбоблари правление президиуми аъзолари қилиб сайландилар. Мазкур ташкилотни тузишда хўжалик, илм-фан ва маданиятнинг барча муҳим соҳалари ҳисобга олинганлиги қувонарли ҳолдир.

Академияга қарашли 25 та илмий-тадқиқот институтнинг таниқли олимлари ва илмий ходимлари меҳнаткашлар ўртасида қизиқарли темаларда лекциялар ўқимоқдалар. Ундан ташқари, конференция, мунозара, учрашув ҳамда савол-жавоб кечалари ўтказиш сингари пропаганда формаларидан ҳам фойдаланиляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ академия олимлари коллектив равишда пойтахт ва область корхоналарида 60 мартадан ортиқ бўлдилар. Масалан, физика ва техника, ядро физикаси, тарих ва археология, полимерлар химияси институтларининг олимлари электролампа, Октябрь революцияси номли, «Ташкенткабель» ва «Ташсельмаш» заводлари ишчи ва хизматчилари ҳузурида бўлдилар.

Совет ҳукуматининг 50 йиллиги ва Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига атаб фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимлари доҳий ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида суҳбатлар ўтказишяпти. Фалсафа фанлари доктори Р. Абдушукуров, юридик фанлари докторлари О. Эшонов ва М. Ҳакимов ўртоқлар «Ленин томонидан диалектик ва тарихий материализм фанининг ривожлантирилиши» деган мавзуда лекциялар ўқидилар.

Ҳозирги вақтда районлараро ташкилотнинг 1105 пропагандист аъзоси бўлиб, улардан 72 киши фан доктори ва 832 киши фан кандидатидир. Улар меҳнаткашлар ўртасида билим тарқатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

Ю. ИГНАТОВ.

КОММУНАЛЧИЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори муносабати билан мухбиримиз областда аҳолига коммунал хизмати кўрсатишни янада яхшилаш йўлида қандай тадбирлар амалга оширилади, деган савол билан область коммунал хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Мирхўжаевга мурожаат қилди. Ўртоқ **Мирхўжаев** мухбиримиз билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

Областимиз коммунал-хўжалик ходимлари аҳолига маданий хизмат кўрсатиш иштиёқи билан меҳнат қилиб, ўтган йили қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Биргина ўтган йилнинг ўзида 45 минг 868 квадрат метр уй-жой майдони ремонт қилиб фойдаланишга топширилди. Фақат уй-жойларни капитал ремонт қилишнинг ўзига 1035,3 минг сўм маблағ сарфланди. Бу эса планда кўрсатилганидан анча ошиқдир. Областимизда коммунал объектлар қурилиши соҳасида ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Тўйтепа посёлкасида 56 ўринли ҳаммом, Янгийўл шаҳрида эса, сменасига 500 килограмм кир ювадиган кирхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, пландаги 29 километр ўрнига 50,6 километр газ тармоқлари ўрнатилди, 9950 квартирани газлаштириш кўзда тутилган бўлса, бу рақам 13 минг 870 квартирага етди. Айниқса, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида аҳолини зангори ёқилғи билан таъминлаш соҳасида катта ютуқларга эришилди.

Тўғри, коммунал хизмат кўрсатиш йўлида олиб борилаётган ишлар маданий ва маиший турмуш шароити ошиб бораётган халқимиз эҳтиёжларини ҳали тўла қондира олмаяпти. Партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини назарда тутиб, коммунал маданий-маиший хизмат даражасини ошириш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамиз аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарори кишилар бахт-саодати йўлида, уларнинг зарур эҳтиёжларини бажонидил қондириш ҳамда республикамиз, шу жумладан пойтахт областимиз истиқболини кўзлаб амалга оширилаётган ғамхўрликлар натижасидир.

Ана шу қарорга кўра, областимизда 1966—1970 йилларда коммунал-хўжалик ишларини ривожлантириш ишларига 55 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланади. Биргина беш йилликнинг дастлабки 1966 йилида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 1 миллион 377 минг сўм маблағ ўзлаштирилиши лозим. Бундай катта ҳажмдаги ва масъулиятли вазифани муваффақият билан амалга ошириш биз коммуналчилардан барча мавжуд машина ва механизмлар қувватидан тўла фойдаланиш, оғир қўл меҳнатини механизация зиммасига юклаш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш учун тинмай кураш олиб боришни талаб қилади.

Шунингдек, бу йил уй-жойларни капитал ва жорий ремонти учун ҳам ўтган йилга нисбатан анча кўп миқдорда маблағ ажратилди. Бу йил область шаҳарларида водопровод тармоқлари қуриш ишларини бажариш учун 902 минг сўм маблағ ўзлаштирилиши керак. Шунингдек, канализация тармоқлари қуриш учун ажратилган 380 минг сўм маблағни ўзлаштириб, канализация қувватини 3 минг кубометрга оширишимиз ҳамда қўшимча 5 километр коллекторлар қуришимиз керак.

1966 йилда областимиз шаҳарларида, айниқса, газ тармоқларини кенгайтириш ишига алоҳида эътибор берилади.

Чирчиқ шаҳрида 150 ўринли меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилади. Янгийўл шаҳрида бошлаб юборилган 56 ўринли ҳаммом қурилиши ҳам шу йил тугалланади.

Шунингдек, бу йил область коммунал хўжалиги ходимлари зиммасида йўлларни асфальтлаш, кўприклар қуриш, шаҳар ва район марказларини янада ободонлаштириш соҳасида ҳам катта мажбуриятлар турибди. Жумладан, 600 минг квадрат метр йўл ва тротуарга асфальт ётқизилиши, 30 та кўприк қурилиши, 600 мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиши керак. Белгиланган бу топшириқларни муваффақиятли адо этиш учун коммунал маиший хизмат кўрсатиш корхоналар ишини тубдан қайта қуриш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланиш ва маданий хизмат кўрсатиш савиясини янада оширишга эришмоғимиз лозим.

Мен юқорида фақат область коммунал хўжалик ходимлари олдида турган бу йилги вазифалар ҳақидагина тўхталиб ўтдим. Хўш, беш йил ичида областимизда қандай коммунал хўжалик объектлари қурилади?

Областимиз шаҳар ва посёлкаларида 12 миллион 150 минг кубометр канализация, 393 километр газ тармоқлари ўрнатилиб, фақат шаҳарлардаги 84 минг 850 квартира газ билан таъминланади. Областимиз совхозларида 23 та, колхозларда эса 88 та водопровод точкалари қурилади. 30 та ҳаммом, сменасига 2750 килограмм кир ювиб берадиган 11 та кирхона, 1266 кишига мўлжалланган 20 та меҳмонхона ва бошқа қатор коммунал хизмат кўрсатиш объектлари қурилади ва фойдаланиш учун топширилади.

Беш йилликда белгиланган бу тадбирларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши, областимиз шаҳар ва қишлоқларининг ҳуснига-ҳусн қўшади. Ободончилик ишларининг ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этилиши, коммунал-хўжалик ишлари ҳажмининг ўсиши, уй-жой, маданий-маиший хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши кишиларимизнинг энг қулай шароитда фаровон турмуш кечиришлари учун янада катта имкониятлар очиб беради.

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз Совет кишиларининг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Куни кеча эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир.

Мен шаҳардаги 5-кир ювиш комбинати хизматчиси бўлганим учун аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг ана шу томони ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Тўғри, комбинатимиз коллективи кунига 2-2,5 тоннадан ортиқ кир ювиб, ўз вақтида эгаларига топшираётган бўлса ҳам лекин аҳоли ҳамда муассасаларнинг кун сайин ўсиб бораётган талабини тўла қондира олмаяпти. Хотин-қизларни уйда оғир қўл меҳнатидан озод этиб, уларни ишдан кейин маданий дам олишларини таъминлаш учун бошқа тадбирлар билан бир қаторда, айниқса кир ювиш комбинатларини янада кўпайтириш мавжуд комбинатлар қувватини ошириш талаб этилади.

Қарорнинг бир пунктида «Ҳаммом-кирхона хўжалигини 23 миллион сўм ҳажмда ривожлантириш белгилансин» дейилган. Бу қарорнинг турмушга татбиқ этилиши республикамиз, жумладан пойтахт шаҳримиздаги корхоналар хўжалигини янада юксалтириш коммунал хизматнинг бу хилига бўлган халқ талабини тўлароқ қондириш имконини беради, деб биламиз.

Комбинатимиз коллективи январь ойида пландан ташқари 50 тонна кир ювиб берган бўлса, бундан кейин ишни яна ҳам жадаллаштириб биринчи квартал топшириғини муддатидан ўн кун илгари адо этишга қарор қилди. Айниқса Р. Каримова, М. Зокирова, Г. Павлинова ва И. Исакова каби кир ювувчи дугоналарим ҳозир кунлик нормаларини икки-уч ҳисса ошириб адо этмоқдалар.

М. ОРТИҚОВА,
комбинат ходими.

СИЛИКАЛЬЦИТ ИЖОДКОРИ ТОШКЕНТДА

Силикальцит бўйича дунёда энг йирик олимлардан бири, техника фанлари доктори, Ленин мукофотининг лауреати, эстониялик Иоханнес Александрович Хинт Тошкентга келди.

Янги қурилиш материали бўлган силикальцит ижодкори Тошкентдаги йирик қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи заводларда ва комбинатларда бўлади.

Иоханнес Александрович Хинт ижод қилган силикальцит ишлаб чиқарувчи заводлар Иттифоқимизда ва Японияда ҳамда бирнеча чет эл давлатларида қурилган.

Куни кеча Ленин мукофоти лауреати И. А. Хинт Ўзбекистон ССР қурилиш бўйича Давлат Комитетининг мажлислар залида бинокор ва лойиҳачилар учун «Силикальцит ва унинг проблемалари» деган темада қизиқарли лекция ўқиди.

С. МУРТАЗОЕВ,
бинокор.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ҲИНД ЖУРНАЛИСТЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ДЕҲЛИ, 9 февраль. (ТАСС). Деҳлидаги Совет маданияти уйида Совет Иттифоқидан келган уч делегациянинг Ҳиндистон матбуоти вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Делегациялар орасида — Тожикистон, Туркманистондан келган меҳмонлар, шунингдек таниқли совет олимлари ва санъат усталаридан иборат туристик группа ҳам бор.

Советлар мамлакатининг вакиллари Ҳиндистонда икки ҳафта бўлиб, ҳинд жамоатчилигининг таклифига биноан Ҳиндистоннинг бир қанча шаҳарлари ва корхоналарига бордилар, бир қанча жамоат, сиёсий арбоблар, интеллигенция вакиллари билан учрашдилар, совет-ҳинд дўстлиги митингларида иштирок этдилар.

Мадрас штатида Туркманистондан келган меҳмонлар иштирокида катта митинг бўлиб ўтди. Митингда ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг президенти К. Камараж, Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси К. Менон, Парламент аъзолари, таниқли сиёсий арбоблар ҳозир бўлдилар.

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ШАРАФИГА

ДЕҲЛИ, 9 февраль. (ТАСС). Бурхван қишлоғининг (Уттар — Прадеш штати) митингга тўпланган 6 минг кишилик аҳолиси ўз қишлоғига Тошкент номини беришга қарор қилди, деб хабар беради «Арьяварта» газетаси. Қишлоқдаги мактабга Лаъл Баҳодир Шастри номи берилган.

ҲАРБИЙ АСИРЛАР АЙИРБОШЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон — Покистон чегараси яқинидаги Ҳусайнивалда ҳарбий асирларнинг иккинчи группаси айирбошланди. Ҳиндистон томони покистонлик ҳарбий асирлардан 163 кишини, Покистон томони Ҳиндистон армиясининг ҳарбий асирларидан 175 кишини келтириб берди. (ТАСС).

АЛОҚА ТИКЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон — Покистон қуролли можароси вақтида Амрицарь билан Лоҳур ўртасида узилиб қолган телефон алоқаси Тошкент декларациясининг қарорларига мувофиқ қайтадан тикланди.

Калькутта билан Шарқий Покистон ўртасидаги телефон ва телеграф алоқаси тузатилиб, ишлатиш учун тахт қилиб қўйилди.

Ҳиндистон ва Покистон самолётлари ҳар иккала мамлакат территорияси устида белгилаб қўйилган ҳаво йўлида ўнинчи февралдан бошлаб яна қатнай бошлайди, деб эълон қилинди. (ТАСС).

Яқинда Венгрия Халқ Республикасининг 64-шаҳри қад кўтарди. Пайтахтдан 30 километр нарида жойлашган Гёдёллё қишлоғи шаҳарга айлантирилди. Бу ерда 20 минг аҳоли яшайди, қишлоқ хўжалик институти, 2 та йирик саноат корхонаси жойлашган. Суратда: шаҳардаги «Ганц» электр» заводининг ишчилари тайёр маҳсулот сифатини текширяптилар.

МТИ—ТАСС фотоси.

СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ҲИНДИСТОНГА САФАРИ

ДЕҲЛИ, 8 февраль. (ТАСС). Ҳиндистон коммунистик партиясининг органи ҳафталик «Нью-Эйж» газетасининг таклифига мувофиқ, «Правда» газетаси журналистларидан иборат делегация жавоб визити билан бугун бу ерга келди. Делегация составида «Правда»нинг Осиё ва Африка мамлакатлари бўйича редактори И. П. Беляев, обзорчи Ф. М. Бурлацкий, масъул секретарь ёрдамчиси О. Б. Скалкин ва адабий ходим Ю. Д. Готлоберлар бор. «Правда» журналистлари Ҳиндистонда 3 ҳафта бўлиб, ҳиндистонлик журналистлар билан учрашадилар ва мамлакат бўйлаб саёҳат қиладилар.

МАҚСАД — МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ

КАРАЧИ, 9 февраль. (ТАСС). Тошкент Декларациясининг мақсади —Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини нормаллаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беришдир, деди Бахавалпур райони комиссари Яздоний Малик ўқитувчилар, журналистлар ва юристларнинг бу ердаги журналистлар клубида ўтказилган йиғилишда сўзга чиқиб.

Тошкент Декларацияси, деб давом этди Яздоний Малик, Ҳиндистон билан бўлган низоларни Покистон тинч ва дўстона йўл билан бартараф қилишга интилаётганидан далолат беради.

ЖАНУБИЙ РОДЕЗИЯ — АФРИКАЛИКЛАР УЧУН ТУРМА

Англияда чиқадиган «Обсервер» газетасида босилган хабарда бундай дейилади: Жанубий Родезия ўзбошимчалик билан мустақил деб эълон қилинмасдан олдин қамоқ лагерларида африкаликлардан 600 дан кўпроқ киши азоб тортиб ётган бўлса, ҳозир бундай маҳбуслар икки минг кишидан ҳам ошиб кетди.

Ирқчи ҳукумат ўз позициясини мустаҳкамлашга интилиб, ҳеч нарсадан қайтмай террор сиёсатини ўтказмоқда. Жанубий Родезиядаги бир районнинг ўзидагина полиция маъмурлари кичикроқ қишлоқда яшовчи африкаликлардан беш юз кишини «сиёсий активлиги» учун қамоққа олмоқчи бўлиб қидириб юрибди.

Жанубий Родезияда ҳар кун африкаликлар бошига янги ғам ва бахтсизлик тушмоқда. Ирқчи ҳукумат ҳатто мактаб ўқувчиларидан ҳам қўрқиб уларни қўпорувчилик иши билан шуғулланаётир деган шубҳа билан ушлаб олмоқда ва турмаларга қамаб қўймоқда. (ТАСС).

ИШЧИЛАРГА УЙЛАР

НИГЕРИЯ ҳарбий ҳукумати мамлакат меҳнаткашларининг аҳволини яхшилаш йўлида биринчи қадамлар қўймоқда. Федерал уй-жой қурилиши министрлиги ишчиларга 960 та квартирадан иборат 60 та уй қуриш учун яқинда ер участкалари сотиб олди. Нигериядаги ўртача оиланинг эҳтиёжларини ва мамлакат пойтахтидаги бўш ер участкаларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, ишчиларга уйлар қуриб бериш учун тегишли нормалар белгилаб қўйилди. (ТАСС).

АМЕРИКА СЕНАТОРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 9 февраль. (ТАСС). Сенатор Макговерн (Жанубий Дакота штатидан сайланган демократ) бу ерда гапириб, Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини бомбардимон қилишни яна бошлаб юборганлиги хато бўлди, деди.

Қўшма Штатлар Осиёдаги урушда қатнашаётганлиги ватандошларимнинг кўнглига ташвиш солмоқда, деди сенатор. «Биз,— деди у,— бу фожиона урушни тўхтатмоқ учун бирор йўл топишимиз керак». Сенатор, бу уруш Вьетнам халқи олиб бораётган курашдан «Америка олиб бораётган урушга айлантирилди» деди.

ҒАРБИЙ ПОКИСТОНДА ЗИЛЗИЛА

НЬЮ-ЙОРК, 8 февраль. (ТАСС). Ғарбий Покистоннинг бир қанча шаҳарлари кеча бўлган қаттиқ зилзиладан зарарланди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабарида айтилишича, зилзиладан зарарланган шаҳарлар орасида Ғарбий Покистоннинг пойтахти Лоҳур, Касур, Бахавалпур, Кветта шаҳарлари бор.

Кветта яқинидаги бир неча қишлоқларга зилзиладан анча шикаст етди. Ўлган кишилар ҳам бор.

Зилзиланинг маркази Кветтанинг тахминан 200 километр шарқида бўлиб, ўша жойда 1935 йилда жаҳондаги энг қаттиқ зилзилаларнинг бири бўлиб ўтган эди. Ўша зилзила вақтида 40 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлган эди.

СОТҚИН ЖАЛЛОДЛАРДАН ҚАСОС ОЛИНДИ

ХАНОЙ, 9 февраль. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг қуролли ватанпарвар кучларининг Биньдинь вилоятидаги Тиуфуок районида январь ойи давомида олиб борган муваффақиятли ҳужумлари натижасида Жанубий Корея ёлланма аскарларидан 216 киши ўлдирилди ва 77 киши ярадор қилинди, деб хабар беради ВИА агентлиги озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Қозоқ эстрадаси усталарининг гастроллари ҳақида илгари хабар қилган эдик. Рассом Н. Меламед меҳмонларимиз томошасида бўлиб, бир неча расмлар чизиб келди. Суратларда: (юқоридан) Қозоғистон ССР да хизмат кўрсатган артист Р. Есимжонова; солист Е. Бўйрибоев; дўмбирачи К. Ниёзбоев; солист М. Хамзин.

Туҳматчилар башараси

А. Д. СИНЯВСКИЙ ВА Ю. М. ДАНИЭЛЛАРНИНГ ИШИ ЮЗАСИДАН СУД ПРОЦЕССИ

10 февралда Москвада РСФСР Олий Судида РСФСР жиноий кодекси 70-моддасининг 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилган совет гражданлари А. Д. Синявский ва Ю. М. Даниэлларнинг иши юзасидан очиқ суд процесси бошланди. Улар нималарда айбланадилар?

Империалистик реакция, дейилади айбномада, куч ишлатиш, қуролли кураш йўли билан социализмни емириш йўлидаги уринишлари мағлубиятга учраганидан кейин, совет давлатига қарши курашнинг бошқа формаларидан воз кечгани йўқ ва ҳозирги вақтда асосий умидини идеологик диверсиялар йўли билан қўпорувчилик ишларини амалга оширишга қаратмоқда. Жаҳон афкор оммаси ва совет кишиларининг кўз ўнгида социалистик жамиятни бадном қилишга уринаётган буржуа пропагандаси ҳеч қандай, ҳатто энг разилона воситалардан ҳам жирканмаётир. Империалистик давлатларнинг пропаганда марказлари айрим муртадларнинг советларга қарши бўҳтондан иборат асарларидан актив суратда фойдаланмоқдалар, ғарбда бу кишиларни совет адабиётининг «ҳақиқий» намояндалари деб кўрсатмоқдалар.

Кейинги йилларда антикоммунистик пропагандада «Суд келаяпти», «Социалистик реализм нима», «Любимов» сингари ғарбда Абрам Терц таҳаллуси билан, шунингдек Николай Аржак таҳаллуси билан нашр қилинган «Москвадан гапирамиз», «Қуллар» сингари бўҳтондан иборат антисовет асарларга катта ўрин берилмоқда.

Давлат хавфсизлик комитети кўрган чоралар туфайли шу нарсалар аниқландики, ғарбда Абрам Терц таҳаллуси билан А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтининг старший илмий ходими Андрей Донатович Синявский, Николай Аржак таҳаллуси билан эса унинг шериги-таржимон Юлий Маркович Даниэль ўз асарларини нашр қилдириб келган.

1965 йил сентябрда қонунга ва СССР бош прокурорининг санкциясига мувофиқ, Синявский билан Даниэлга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Синявский билан Даниэлни РСФСР Олий суди суд қилмоқда. Судда РСФСР Олий судининг раиси Л. Н. Смирнов раислик қилмоқда, халқ маслаҳатчилари — Н. А. Чечина ва П. В. Соколов. Суд секретари Т. В. Воробьева.

Давлат қораловчиси сифатида СССР Бош прокурорининг ёрдамчиси О. П. Темушкин қатнашмоқда. Жамоат қораловчилари — СССР ёзувчилар союзининг аъзолари А. Н. Васильев ва З. С. Кедрина.

Судланувчиларни Москва шаҳар адвокатлар коллегиясининг аъзоси Э. М. Коган ва М. М. Кисенишский ҳимоя қилмоқда.

Суд процессида пойтахт меҳнаткашлари, жамоатчилиги, ёзувчилар ташкилотининг вакиллари иштирок этмоқдалар. Залда таниқли ёзувчилар — К. Федин, А. Твардовский, Л. Соболев, Г. Марков, А. Чаковский, А. Софронов ва бошқалар ўтирибди.

... Эрталаб соат 10. Раислик қилувчи суд мажлисини очиқ деб эълон қилади. Залга судланувчи Синявский билан Даниэль олиб кирилади.

Раислик қилувчи судланувчиларнинг шахсини аниқлайди. Синявский 1925 йилда Москвада туғилган, қамалганига қадар А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтида старший илмий ходим вазифасида ишлаган. Даниэль 1925 йилда Москвада туғилган, касби таржимонлик.

Раислик қилувчининг саволига судланувчилар айбнома копияларини олдик, деб жавоб қайтарадилар.

Суд состави эълон қилинади ва отвод бериш ҳуқуқлари тушунтирилади. Судланувчи Синявский билан Даниэль суд составига отвод бермайдилар.

Суд тергови бошланади. Суд секретари айбномани ўқиб эшиттиради.

Иш юзасидан олиб борилган дастлабки терговда шу нарса аниқланганки, Синявский ва Даниэль советларга қарши душманлик позициясида туриб, 1956 йилдан бошлаб совет давлат ва ижтимоий тузумини бадном қилувчи туҳматдан иборат асарлар ёзадилар ва уларни нолегал йўл билан чет элга юбориб турадилар.

Масалан, 1956 йилда Синявский бутун совет тузумига нисбатан ғазаб-нафрат туйғуларига тўлиб-тошган «Суд келаяпти» повестини ёзади. Унда марксизм-ленинизмнинг назарий қоидаларига, совет давлатининг тарихига, совет кишиларининг маданияти ва ахлоқига қаҳр-ғазаб билан ҳужум қилинади. Ўша йили Синявский коммунистик идеологияга, Совет жамиятининг идеологик ҳаётида КПССнинг раҳбарлик ролига қарши қаратилган ва Совет воқелигига нисбатан туҳмат ва уйдирмаларга тўлиб-тошган «Социалистик реализм нима» деган пасквилини чет элга юборган.

Ўз ёзувларини ғарбга жўнатиб туриш учун Синявский Франциянинг СССРдаги собиқ ҳарбий-денгиз атташесининг қизи Элен Замойская (Пельте) билан танишлигидан фойдаланиб келган. У ўз асарларини биринчи марта 1956 йилда Москвадаги ўз квартирасида унга топширган ва чет элда уни Абрам Терц таҳаллуси билан нашр этилишини илтимос қилган.

Синявскийнинг адабиёт соҳасидаги адоватларини буржуа идеология марказлари дарҳол қўллаб-қувватлайдилар ва ундан антикоммунистик пропагандада актив фойдалана бошлайдилар.

Айбланувчи Даниэль Синявскийнинг советларга қарши қарашларига қўшилади ва унинг фаолиятини маъқуллабгина қолмай, ўз навбатида социалистик тузумга, совет давлатининг сиёсатига қарши бўҳтондан иборат «Қуллар» деган опус (махсус музика асари) тайёрлайди.

1960 йил кузда Синявскийнинг яна ўша квартирасида Даниэль бу қўлёзмани чет элда нашр қилиш учун Замойскаяга топширган. Даниэль ўз ҳаракатларининг советларга қарши қаратилганлигини англаб ва ўзининг ҳақиқий номини яширишга интилиб, Николай Аржак деган таҳаллусни танлаб олади.

Шундан кейин Синявский билан Даниэль советларга қарши бўҳтондан иборат асарларни ёзиш ва тарқатишни давом эттирадилар, 1961 йилда Синявский социализмнинг негизларига қарши қаратилган ва совет тузумининг душманлари томонидан муносиб баҳоланган машъум «Любимов» повестини ёзади.

Даниэль ҳам худди шу йўлдан боради. Унинг «Москвадан гапирамиз» ва «Минапдан чиққан одам» деган асарлари коммунизм қураётган совет халқига, унинг ахлоқи ва этикасига қарши ваҳшиёна ғазаб туйғулари билан тўлиб-тошган.

Уларнинг бу «асарларига» чет эллардаги нашриётлар саҳийлик билан гонорар тўлаб келганлар.

Синявский ва Даниэль ўзларининг советларга қарши, бўҳтондан иборат «асарларини» қўл ёзма ҳолида, шунингдек чет элларда рус тилида нашр қилинган ва СССРга Замойская томонидан махфий суратда олиб келинган китоблар шаклида ўз атрофларидаги кишилар ўртасида ҳам тарқатганлар.

Айбнома ўқиб бўлинди.

Раислик қилувчининг, сизлар ўз айбларингизга иқрормисиз, деб берган саволига Синявский ва Даниэль рад жавобини берадилар. Улар ўзлари қилган жиноят учун жавобгарликдан қутилиб қолишга уринадилар. Бироқ, уларнинг КПСС ва Совет ҳукумати сиёсатининг бирқанча масалалари юзасидан тутган душманлик позицияси, айбномада айтилганидек, фақат уларнинг чет элларда нашр қилинган, советларга қарши туҳматдан иборат асарларининг мазмуни билангина эмас, балки гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертизанинг хулосалари ва ашёвий далиллар билан ҳам исботланади.

Суд айбдорларни сўроқ қилишга ўтади.

(ТАСС мухбири).

МИРЗА САРДОР

...Ҳар галги томошадан кейин гулдурос қарсак чалинади. Ижрочи қуллиқ қилиб томошабинларга миннатдорчилик изҳор этади. Унинг юзларида табассум ўйнайди, кўзлари қувончдан чақнайди. Бу манзарани кўпчилик қатори Мирза ака ҳам кўради. Лекин шунга қадар унинг юраги нима учундир бироз ғаш бўлиб турганди. Дарвоқе, кеча шу артист Мирзааканинг кабинетига кириб:

— Тошкентлик талабчан томошабинлар олдида саросимага тушиб қолсама... деган мазмунда гапирганди. Шунда Мирза ака:

— Дадил бўлаверинг, ўрнига қўясиз,— деб унга тасалли берган ва муваффақият тилаган эди. Мана, ҳозир Мирза ака кўпчилик қатори ўша артистни ажойиб маҳорат билан кўрсатган томошаси учун олқишлаб турибди.

Шунақа, Мирза ака ҳар куни турли-туман томоша кўрсатадиган артистларнинг ҳаяжонини сезиб, унга далда беради, хурсандчилигига шерик бўлади. Томоша кўрсатиш учун Тошкентга биринчи келган артистларга ўзи ўттиз уч йилдан бери бошчилик қилиб келаётган ўзбек цирки ҳақида мароқ билан сўзлаб беради.

Директор кабинетига кирганимизда унинг ёнида йигирмабеш-ўттиз ёшлар чамасидаги йигит ўтирарди. У таниш кўринса ҳам қаерда учрашганимизни эслашга улгурмай Мирза ака таништирди:

— Уста чавандозларимиздан Ҳаким Зарипов...

— Эй, у кишини жуда яхши биламиз...

Шундай пайтда одам хижолат тортади. Ахир ажойиб чавандоз, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким Зариповни ким танимайди. Лекин, уни ҳамма вақт цирк майдонида ижрочи либосида кўрганимиз важидан ҳозирги қиёфада дарров таниб ололмадик. Чавандоздан кечирим сўрадик.

Мирза ака ҳаёти, меҳнат фаолияти ҳақида гапириб туриб, Нижний Тагиль шаҳридан яқинда хат олганлигини айтиб қолди. У ердан Тошкент циркининг отахони — Мирза ака номига икки-уч йил бурун ташкил қилинган халқ циркининг бир группа артистлари хат ёзиб юборган эдилар. Улар Оренбургда биринчи марта катта томоша кўрсатибдилар ва зўр олқишга сазовор бўлибдилар.

— Бу хатдаги гапларни айтишдан мақсад, бизнинг республикамизда ҳам халқ цирки ташкил этилса жуда яхши бўларди, демоқчиман,— дейди Мирза ака.



Мирза Дўстмуҳамедов халқ цирки ташкил этиш хусусида шу ишнинг жонкуяри, ғамхўри эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда сўзларди.

— Халқ циркини ташкил этишнинг аҳамияти катта, — дейди у, — биринчидан, ёшларимиз жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват бўладилар, иккинчидан, халқимиз кўраётган томошаларнинг хили кўпайиб, уларнинг дам олиш вақти қувноқлик билан ўтади.

Мирза ака санаб кетади:

— Тошкентда, бошқа шаҳарларда пионерлар уйи, ташкилот ва корхоналарда ҳар хил ҳаваскорлик тўгараклари бор. Хўш, нима учун шу ерларда цирк ҳаваскорларини ҳам тўплаб бўлмайди. Бўлади. Ёрдам керакми, мана биздан олишсин, тажрибали артистларимизни бириктиб қўямиз. Бир йилга етар-етмас ҳар бир районда десак кўпайиб кетар, уч-тўрт районда битта циркчилар группаси пайдо бўлади. Биласизми, цирк томошасини ёқтирмайдиган одам топилмаса керак. Негаки, бизни циркка уч-тўрт яшар гўдакдан тортиб, асо таянган кексалар ҳам келишади...

Мирза Дўстмуҳамедов бир йўла уч минг киши томоша кўрадиган янги цирк биноси қурилаётганини айтатуриб, бундай деди:

— Биз кўпдан бери цирк артистлари тайёрлайдиган студия барпо этишни орзу қилиб келардик. Янги циркда ана шундай имконият бўлади!

Тошкент давлат циркининг ташкилотчиларидан бири Мирза ака Дўстмуҳамедов 60 ёшга тўлди. У 33 йилдан бери узлуксиз директорлик қилиб келмоқда. У томошабинлар циркдан ҳартомонлама хурсанд бўлиб кетишлари учун қайғуради, ижрочиларга зарур шароитни яратиб бериш мақсадида елиб-югуради. Шу сабабли Иттифоқимизнинг ҳамма томонларидан келган турли-туман томошалар кўрсатувчи ёш ва атоқли артистлар «Мирза ака ажойиб бошлиқ, ҳақиқий сардор, ташкилотчи», деб унга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Олтмиш ёшга тўлган кунда, Мирза аканинг цирк санъатини ривожлантириш ва камол топтириш соҳасидаги хизматлари катта мукофот — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан муносиб тақдирланди.

Мирза ака Дўстмуҳамедов, олтмиш ёшга тўлган кунингизда минглаб цирк томошабинлари номидан газета орқали:

— Ҳамиша саломат бўлинг, Мирза сардор, деб чин кўнгилдан айтамиз!

С. МАҲКАМОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.15 — **Қизил елканлар** (юқори синф ўқувчилари учун), 19.00 — **Экран янгиликлари.**

19.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.45 — **Музикали учрашув,** 21.15 **Телевизион янгиликлар,** 21.25 — **Механизаторлар тажриба алмашади** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.40 — **Биринчи муҳаббат** (Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10 — **Ёш рассомлар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.55 — **Тошкент янгиликлари,** 18.45 — **Коммунистик меҳнат кишилари,** 19.05 — **Концерт.**

Рус тилида: 19.35 — **Мўри тозаловчи** (болалар учун мультфильм), 19.45 — **Тошкент янгиликлари,** 19.55 — **Ватан чақириғи билан** (ҳужжатли фильм), 20.15 — **Грипп йўқолсин** (илмий-оммабоп фильм), 20.25 — **Телеспектакль.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/II да **Боғчасарой фонтани,** 12/II да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/II да **Сарвқомат дилбарим,** 12/II да **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/II да **Ота ўғли,** 12/II да **Момо ер.**

КИНО

Биз, рус халқи (кенг форматли фильм) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 ва 9-15 минутда).

Усталар шаҳри — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 8 да).

1900 йил инжиқликлари — «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 10-10 минутда, САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 1 ва 3 да.

Қайт, Беата! — «ИСКРА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳазилң йўқ (эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да), **Итальянча никоҳ** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Чангда қолган гул (1 ва 2-серия ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

1966 йил 27 февралда Ангрен шаҳрида

пул-буюм

ЛОТЕРЕЯСИ

биринчи чиқарилиш билетларининг

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

бўлади.

Тиражда лотереянинг беш разрядига 877.500 сўмлик 598750 та ютуқ, шу жумладан: 220.010 сўмлик 5860 та буюм ютуғи ва 657.490 сўмлик 592890 та пул ютуғи ўйналади.

30 ТИЙИНЛИК БИЛЕТГА:

«Москвич» автомашинаси, «Иж-Планета» мотоцикли, пианино, телевизор, холодильник, «Чайка» магнитофони ва бошқа қимматли буюмлар

ЮТИШ МУМКИН

Лотерея билетларини сотиб олиб, ютуқлар тиражида қатнашинг!

ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Айрим уй-жойлар, корхона ва муассасалар территориясида

водопровод ва канализация

ТАРМОҚЛАРИ ҲАМДА ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА

«ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ ҚОИДАЛАРИ»ГА

ҚАТТИҚ РИОЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ.

Бу қоидалар Маҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ишчилари касаба союзи Марказий комитети президиуми томонидан тасдиқланган.

«Водоканал» трестининг водоканал ва канализация тармоқларига хизмат қилувчи ходимларидан ташқари кишиларга

кўчалардаги водопровод ва канализация қудуқларининг қопқоқларини очиш ва бу қудуқларга тушиш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ,

чунки водопровод ва канализация қудуқларида одамга ўлим хавфини туғдирадиган заҳарли газлар бўлади.

11 февралдан

7-троллейбус

Волгоградская кўчасидан Қорасарой кўчасигача (Чилонзор массиви, Шимолий саноат зонаси)

ҚАТНАЙДИ

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 08131.
ИНДЕКС 64969
Г—1050.